

Da'vat

Odamni qobiliyati uchun emas, balki o'sha qobiliyatidan qanday foydalana bilgani uchun qadrlash kerak.

Fransua de
LAROSHFUKA

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 13-noyabr, shanba

№ 92 (7701)



Хаёт, уй-рўзгор ташвишлари билан бўлиб кўпгина ота-оналар фарзандларини болалар боғчасига берадилар. Бунинг сабаби сўралганда, баъзилари «қулогим тинчисин деб шундай қилдим» дейишса, айримлари «боғча кўрган бола тарбияли, ақлли бўлади» деб жавоб беришади. Лекин ҳамма ота-она ҳам боласи тарбияланаётган боғча шароитлари билан қизиқаверишмайди. «Болам боғчада қандай тарбияланапти, унга қанақа боғча опалар тарбия бераяпти, боғчанинг шароитлари қандай?» деган фикр уларнинг хаёлларига ҳам келмайди. Бундай ота-оналар ўз фарзандлари тақдирига бефарқ қарайдилар. Балки шундан дир, кўпинча «боғчага бормайман, боғча опам урадилар», дея хархаша қилаётган болаларни учратиб турамыз.

Болалар боғчаларидаги шароитнинг тўқислиги эса, шу

масканга масъул шахсларнинг вазифаларидир. Бунинг учун албатта жон куйдириш, ҳаракат қилиш керак бўлади.

Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 22-мактабгача таълим муассасасида ҳозирги кунда таълим-тарбия, маънавий ва маърифий ишлар кенг йўлга қўйилган. Масканинг бу каби ютуқларга эришишида 47 йил меҳнат фаолияти давомида оддий тарбиячиликдан боғча мудирлигигача бўлган меҳнат йўлини босиб ўтган ва бу меҳнатлари натижасида II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган жонкуяр инсон Махфират Мўминованинг хизматлари катта. М.Мўминова муассасага раҳбар бўлиш билан бирга болалар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

TABRIK

Mamlakatimiz rahbari Islom Karimov «O'zbekiston havo yo'llari» Milliy aviakompaniyasi «Uzbekistan airways technics» korxonasi tashkil etilganining 80 yilligi munosabati bilan korxonaga jamoasiga tabrik yo'lladi.

FARMON

Mamlakatimizning iqtisodiy salohiyatini yuksaltirish, islohotlarni muvaffaqiyatli amalga oshirishdagi katta xizmatlari, milliy aviatsiyamizni rivojlantirishga qo'shgan salmoqli hissasi va ijtimoiy hayotdagi faol ishtiroki uchun «O'zbekiston havo yo'llari» Milliy aviakompaniyasi «Uzbekistan airways technics» aviakorxonasining bir guruh xodimlarini mukofotlash to'g'risida Prezidentimiz farmoni chiqdi.

ULUG' AYYOM MUBORAK

Ulug' ayyom Ramazon hayiti - Iyd al-Fitr munosabati bilan O'zbekiston musulmonlari Ulamolari Kengashi nomidan muftiy Abdurashid qori Bahromov O'zbekiston xalqini muborakbod etib tabrik yo'lladi.

(Davomi 2-betda)

ЁЗМА ИШЛАРНИ ҚЎШНИ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИ ТЕКШИРАДИ

2-бет

МУАЛЛИМЛАРСИЗ ТАРФИБОТ БЎЛАДИМИ?

3-бет

«МАТЕМАТИКАНИНГ ҚИЛАДИГАН ИШЛАРИ ҲАЛИ ЖУДА КЎП»

7-бет

Ibrat

Jizzax shahrida yosh saylovchilar klubi tashkil etildi. Bo'lajak saylovlarda viloyat bo'yicha 33 ming nafardan ziyod yoshlar ilk marotaba ishtirok etadi. Klub ana shunday yoshlar o'rtasida targ'ibot ishlarini olib borishni maqsad qilgan.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ТАРБИЯДА РАФБАТ ВА ЖАЗО

9-бет

МАКТАБДА ПСИХО- ЛОГИК ХИЗМАТ

10-бет

«ДОМЛА, УЙЛАР ТИНЧМИ?»

10-бет

ҲАҚ ИШҚИДА ЁНГАН ЮРАК

13-бет

БОЛАЛАР КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

15-бет

«С» ҲАРФЛИ ЧАЙНВОРД

16-бет

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARI

AMALIY TASHRIF

Belarus Respublikasi Bosh vaziri Sergey Sidorskiy rahbarligidagi delegatsiya O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari Mirabror Usmonov bilan uchrashdi.

Muzokarada ikki mamlakat o'rtasidagi savdo-iqtisodiy aloqalarning bugungi ahvoli va istiqboliga oid masalalar muhokama etildi. Ushbu sohalardagi hamkorlikni yanada rivojlantirish imkoniyatlari ko'pligi va ularni ishga solish davr talabi ekanligi ta'kidlandi.

Belarus Bosh vaziri O'zbekiston tasviriy san'at galereyasi bilan tanishdi.

BIRINCHI MARTA
AVTOMOBIL
KO'RGAZMASI

Poytaxtimizdagi O'zekspomarkazda «AutoMotoShow-2004» O'zbekistonda birinchi xalqaro avtomobil ko'rgazmasi ochildi. U ITE Group Plc xalqaro ko'rgazma kompaniyasi (Buyuk Britaniya) va ITE Uzbekistan kompaniyasi tomonidan «Toshshaharyo'lovchitrans» aksionerlik kompaniyasi, Rossiya Federatsiyasining O'zbekistondagi elchixonasi hamda O'zbekiston Respublikasi Savdanoat palatasi ko'magida tashkil etildi.

Bunda Germaniya, Eron, Qozog'iston, Polsha, Rossiya, Turkiya, Ukraina, Belarusdan 30 dan ortiq kompaniya, shuningdek, O'zbekistonning qator kompaniyalari ishtirok etmoqda.

RADIOJURNALISTLAR UCHUN
SEMINAR

Poytaxtimizdagi «Bunyodkor» yoshlar teleklubida «FM radiostansiyalarining joriy faoliyati va ularni madaniy-ma'rifiy jihatdan takomillashtirish yo'llari» mavzuida seminar bo'lib o'tdi. U O'zbekiston Elektron ommaviy axborot vositalari milliy assotsiatsiyasi, O'zbekiston jurnalistlari ijodiy uyushmasi hamda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi bilan hamkorlikda tashkil etildi. Tadbirda nodavlat radiostansiyalarining bosh muharrirlari, musiqiy muharrirlari va radioboshlovchilar, yozuvchilar va musiqashunoslar, tanqidchilar ishtirok etdi.

Elektron ommaviy axborot vositalari milliy assotsiatsiyasi boshqaruvi raisi Firdavs Abduholiqov, O'zbekiston Jurnalistlari ijodiy uyushmasi raisi Sherzod G'ulomov va boshqalar istiqbol yillarida yurtimizda milliy ommaviy axborot vositalari rivoji, jurnalistlarning jamiyatdagi mavqei yanada yuksaltirish, samarali faoliyat olib borishlari uchun barcha sharoit va imkoniyat yaratilganini ta'kidladilar.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори, 2004 йил 25 октябрдаги 07-11-176 сонли хати асосида 2004-2005 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари Республика олимпиадаларини ўтказиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қўшма буйруғи қабул қилинди. Буйруқ билан олимпиада Низоми ҳам тасдиқланди. Низомга кўра, олимпиадалар тўрт босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич олимпиадалари мактабларда ўтказилади. Уларни ўтказиш юзасидан методик тавсиялар, баҳолаш мезонлари газетанинг олдинги сонларида берилди. Жойларда олимпиаданинг биринчи босқичини ўтказиш юзасидан олиб борилган ишларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бу борада дастлабки ижобий натижалар билан бир қаторда муаммолар ҳам учраяпти.

Маълумки, 9-синфни битирган ўқувчиларнинг бир қисми академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига кириб ўқиётган бўлса, бир қисми 10-, 11-синфда ўқишни давом эттирмақдалар. Бундай

ЎЗМА ИШЛАРНИ
ҚЎШНИ МАКТАБ
ЎҚИТУВЧИСИ
ТЕКШИРАДИKam sonli ўқувчилар синфида
ҳам мактаб олимпиадасини
ўтказишда илғор тажрибалар
тўпланмоқда

синфларда айрим ҳолларда ўқувчилар сони камайиб, 15-20 нафарни ташкил этади. Чекка туманларда ўқиш бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг юқори синфларида ҳам шу ҳол кузатилади. Бу ҳолатда 20 та умумтаълим фанларидан олимпиаданинг биринчи босқичи ўтказилса, бор-йўғи 1-2 даъвогар ўқувчи чиқмоқда. Бундай мактабларда мазкур фандан битта ўқитувчи дарс берадиган бўлса, ҳакамлар ҳайъатини таркиб топтириш муаммоси ҳам келиб чиқади.

Мазкур муаммо Хоразм вилоятида ўзига хос равишда ҳал қилинмоқда. Бунинг учун кам сонли мактаб ўқитувчилари қўшни мактаблар билан ўзаро алоқада бўлиб, олимпиадани биргаликда ўтказиш ҳақида келишиб олишяпти. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳам бир нечта мактаб ўқитув-

чиларидан таркиб топтирилади. Бунда ўқувчиси қатнашган мактаб ўқитувчиси ўз ўқувчисининг ишини эмас, балки қўшни мактаб ўқувчисининг ёзма ишини текширади. Шу билан ўқувчиларнинг олимпиада топшириқларини бажариш бўйича бажарган ишлари адолатли баҳоланади. Туман олимпиадасида қатнашувчи номзодлар, ҳар битта мактабдан алоҳида, 76 ва ундан юқори балл тўплаган ўқувчилардан танланади. Бундай кичик (минтақавий) олимпиадаларда, туман олимпиадаларидан фарқли равишда шахсий биринчилик аниқланмайди.

Мактабларда ўтказиладиган олимпиадалар учун тест топшириқлари, амалий машғулотлар учун масалаларни тайёрлашда ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Хива, Ҳазорасп,

Янгибозор туманларида ҳар бир фандан тумандаги барча илғор ўқитувчилар томонидан чекланмаган миқдорда масалалар, тест топшириқлари олинади. Улар ижодий гуруҳ томонидан экспертизадан ўтказилади. Бундай шаклланган олимпиада топшириқларида, албатта, ҳар бир мактабдан намуна киритилишига эътибор берилади. Туман методика кабинетлари мутахассислари мактабларда бўлишиб, олимпиада ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш борасида амалий ёрдам бермоқдалар.

Яқинда Хоразм вилоят ХТБ методика марказида туманлар методика кабинетлари методистлари учун олимпиадаларни ўтказиш, янги таҳрирдаги Давлат таълим стандартлари ва такомиллаштирилган дастурлар, ихтисослаштирилган мактаб (синф)ларнинг ўқув режа ва ўқув дастурларини, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражасини аниқлашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрирдаги вариантини тажриба-синовдан ўтказиш бўйича вилоят тажриба-синов майдончаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти юзасидан семинар ўтказилди. Хуллас, вилоятда ўқувчиларни синовлардан ўтказиш борасида ижобий тажрибалар тўпланаёпти.

Н. ТУРДИЕВ,
Республика таълим маркази
директори ўринбосари



Бағдод туманидаги физика-математикага ихтисослашган 1 иқтидорли болалар мактаб-интернатида барча фанларни ўқитишда турли усуллардан фойдаланилади. Машғулотларни олиб боришда эса, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларига алоҳида эътибор берилади. Суратда: Мактаб-интернатнинг география фани ўқитувчиси Зироатхон Каримова 8-синф ўқувчиларига дарсда кўргазмали куроллардан фойдаланиш усулида машғулот ўтмоқда.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

«ОЛТИН КУЗ —
БОЛАЛАР
НИГОҲИДА»

Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Bioekosan» Республика ёшларининг ўқув услубий мажмуаси ва Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида «Bioekosan» мажмуаси тизимидаги мактабларга ташкил этилган экология йўналишидаги тўғарақлар раҳбарлари ва тўғарақ аъзолари иштирокида «Олтин куз — болалар нигоҳида» мавзусидаги экологик фестивал бўлиб ўтди.

Фестивалда деворий газеталар кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Шунингдек, ўқувчилар ўзларининг табиатга бўлган муносабатларини сахна кўринишлари орқали ҳам кўрсатиб бердилар. «Табиат ранглар жилосида» мавзусидаги либослар танловида ўқувчилар куз фаслига мос либослар кийиб чиқиб, турли ранглар жилоси орқали кийиниш маданиятини намойиш этдилар.

Экомарафонда иштирок этган ўқувчилар экологияга оид топшимоқлар, шеърлар, тез айтишлар орқали ўзларининг экологик тафаккур ва фикрлаш доираларини ҳам йиғилганларга кўрсатиб бердилар. Улар ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракатларини қувноқ кўринишларда тасвирлашди.

Тадбир мактаб ўқувчиларининг экологик онг ва маданиятини ҳамда саводхонлигини оширишга кўмак берганлиги, шубҳасиз.

Гўзал АЛИМОВА

Профессор Фредерик Старрнинг илмий фаолияти анчагина салмоқли. У Йел, Кэмбриж ва Принстон университетларида таълим олган, тадқиқот ишлари олиб борган. Кэннан институтининг асосчиси ва биринчи директори, кейинчалик — Американинг қатор университетлари президенти. Кўплаб тадқиқот ташкилотлари ва жамғармалари, жумладан, "Евроосиё" жамғармасининг ҳаммуассиси ва кенгашилари аъзоси. 1996 йилдан Ж.Хопкинс университетининг Марказий Осий ва Кавказ институти директори.

Ноябрь ойининг бошида Ф.Старр Ўзбекистонда бўлди. Шу вақт мобайнида режалаштирган тадбирлари кўп бўлишига қарамасдан, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳам бир неча марта учрашиб мулоқот қилди. Қуйида Ф.Старрнинг "Жаҳон" ахборот агентлиги шарҳловчиси билан суҳбати келтириляпти.

— Ўзбекистонга ташрифимнинг сабаби декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловлар, парламент ислоҳо-

лий, қалбдаги замини, инглиз тилида бу тушунчани аниқ таърифлайдиган сўз бор — "heartland".


Мамлакатингиз фан, маданият, технологиялар, бизнес соҳаларида фаолият кўрсатаётган кўп сонли дунёвий зиёлиларга эга. Мамлакатни бошқариш, жамият тараққиётининг стратегия ва тактикасига жиддий муносабатдасизлар. Раҳбариятингиз муаммоларни жиддий тарзда таҳлил қилиб, ўрганиб чиқади. Биз баъзи бир масалалар юзасидан бир фикрда бўлмасак ҳам сиз қабул қилган қарорга ҳурмат билан муносабатда бўламиз. Чунки биламизки, ушбу қарор юзаки тарзда эмас, балки чуқур ўйланиб, қабул қилинган.

Хукуматингиз фақат ички вазият билан ўралашиб қолмаган, у минтақа даражасида роль ўйнашга кўниккан ҳамда буни муваффақият ва масъулият билан амалга оширмоқда. Ўзбекистон кўпийиллик афғон инқирозига ечим топишда муҳим роль ўйнади. Президент Ислам Каримов Останада минтақадаги қўшниларга умумий бозорни ташкил қилиш бўйича муҳим таклиф билан мурожаат қилди.

— Рухсатингиз билан яна бир

Сайловга

42 кун қолди



— Парда ака, энг аввало, узингиз раислик қилаётган 68-Шурчи сайлов округи ҳақида тухталиб ўтсангиз?

— 68-Шурчи сайлов округи ҳудудига асосан Шурчи тумани ва қўшни Олтинсой, Денов ва Узун туманларида жойлашган бир қатор қишлоқлар киритилган. Округимиздаги сайловчиларнинг сони 126 минг 800 кишини ташкил этади.

— Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларида ўқитувчи ва таълим ходимларининг ҳам ижобий фаолиятлари сезилаяпти-ми?

— Айни кунларда бутун сайлов округимиз бўйлаб сайловни юқори савияда ўтказиш учун қизгин тарғибот-ташвиқот,

МУАЛЛИМЛАРСИЗ ТАРҒИБОТ БЎЛАДИМИ?

— дейди Сурхондарё вилояти 68-Шурчи сайлов округи комиссияси раиси Парда ШОЙМАРДОНОВ.

бир сўз билан айтганда, умумий тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Шу кеча-кундузда бу йилги сайловимизнинг олдинги йиллардаги сайловлардан фарқи нималардан иборат эканлигини кенг сайловчилар оммасига тушунтириш энг долзарб ишларимиздан бири саналади. Бу ишни муаллимлар ва таълим ходимларисиз амалга оширишни тасаввур ҳам қилиш қийин. Негаки, муаллимлар халқимизнинг, қолаверса, ҳатто зиёлиларимизнинг ҳам энг илғор синфи саналади. Бунинг ҳеч ким инкор қила олмайди. Ахир бежизга доноларимиз "Агар ҳаёт узук бўлса, кузи муаллим" дея баҳо беришмаган...

Хуллас, биз ҳар бир тарғиботу ташвиқот ишида муаллимларимиз кумагига таянамиз. Улардан урганамиз, маслаҳатлар сураимиз. Айни кунда 68-Шурчи сайлов округида 6 минг нафардан зиёдроқ

таълим ходимлари кенг омма орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришяпти. Яна битта гап. Округимизда ташкил этилаётган 52 та сайлов участкаларимизнинг ҳам аксарияти мактабларда жойлашади. Демак, биз ҳар қадамда муаллимларимизнинг маънавий мададларига таянамиз. Айни кунда 21 та жойда участка сайлов комиссияси мактабларда ташкил этилди. Навбатда тузиладиган 31 та участка сайлов комиссияларимизда ҳам аксариятида сайлов участкаларини мактабларимиз қошида ташкил этамиз.

Округимиз бўйлаб сайлов ҳақида суҳбатлар, кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Сайлов участкаларимизда, кутубхоналаримизда "Сайлов ошкоралик белгиси", "Бахтимиз қомусини урганамиз" каби мавзуларда алоҳида-алоҳида бурчаклар ташкил этилди.

Абдували ОБИДДИНОВ суҳбатлашди.

Fred Starr:

ДЕМОКРАТИЯ — БУ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ВА ҲАЛОЛЛИГИДИР

тидир, — дейди жаноб Старр. — Биринчи олган таассуротим — бу мамлакатнинг олдинги ҳаракат қилаётгани билан боғлиқ тушунчадир. Шунингдек, кишиларнинг кутиш ҳиссини ҳам тилга олиш керак. Эйтиборли томони, уларнинг кутиш ҳисси ижобий мазмунга эга. Бу бўлиб ўтажак сайловларга ҳам тегишли. Менимча, сайловлар мамлакатингизнинг олдинга қараб кўйган шахдам қадами бўлади.

— Улар Ўзбекистон сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади, дея оласизми?

— Шак-шубҳасиз. Мен учун сайловларга тайёргарлик жараёнидаги муҳим сўз бу ошкоралиқдир. Ўзбекистон бутун дунёга "келинг, қаранг, кузатинг" дея мурожаат қилмоқда. Мен ушбу сайловларни муҳим, деб аташимнинг яна бир сабаби қуйидагича: уларнинг муваффақиятли ўтишидан нафақат ҳукумат, балки мамлакат халқи ҳам манфаатдордир.

— Самарқандда "Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон қонунчилиги" мавзусида ташкил этилган анжуманда иштирок этдингиз. Унда сизнинг чиқишингиз нимага бағишланди?

— Ўзбекистоннинг етакчи сиёсий партияларига. Баъзи экспертлар "юқори"нинг ташаббуси билан ташкил қилинган учун уларнинг келажаги йўқ, деб ҳисоблашади. Мен бундай фикрга қўшила олмайман. Партиялар фаолиятини диққат билан кузатар эканман, улар тўлақонли сиёсий ташкилотларга айланаётганига ишончим комил бўляпти.

— Шу йил август ойида Вашингтонда "Жаҳон" агентлигининг муҳбирига берган интервьюда Ўзбекистонни "жиддий ниятли жиддий давлат" дея таърифлаган эдингиз. Ушбу фикрингизга изоҳ берсангиз...

— Биринчидан, Марказий Осийнинг юрагида жойлашгани билан. Ҳудуди ва аҳоли сони бўйича минтақанинг йирик давлати. Буюк тарих, бой маданият — бу ерда истиқомат қилаётган халқларнинг аза-

бор сиз берган интервьюга мурожаат қилсак. Унда "Ҳизб ут-таҳрир" ташкилотига қуйидагича таъриф берилган: "Бу унга қарши қатъий курашилиши лозим бўлган ярадир". Ҳозир ушбу ва бошқа экстремистик ташкилотлар билан "фронт чизиги" қаерда ўтаяпти, халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистон қандай мавқега эга?

— Мен "Ҳизб ут-таҳрир"ни паталогия билан киёсламан. Бу билан ҳамма нарса айтилди, дейиш мумкин. Ўзбекистон диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда сўзсиз муҳим мавқе тутди. АҚШ билан Афғонистон иқтисодиёти ва транспорт инфратузилмасини тиклаш бўйича қилинаётган ҳамкорликни олайлик. Терроризмга қарши курашда иқтисодий жиҳат ҳарбий жиҳатга нисбатан муҳимроқ бўлиши мумкин. Одатда экстремистик ташкилотларнинг етакчилари бой-бадавлат оилалардан чиққан, бироқ уларнинг қўл остидагилар аҳолининг камбағал ва қашшоқ қатламларининг вакиллари-дир. Халифалик ҳақида ороқ қилаётган ва у билан кўплаб умидларини боғлаётганларга бошқа муносиб ҳаёт борлигини ва уни ҳозирнинг ўзидаёқ қон тўкмасдан куриш мумкинлигини амалда кўрсатиш керак.

— Бир ярим ойдан сўнг сайлов участкаларига ташриф буюрадиган ўзбек сайловчиларига нималарни айтишни хоҳлардингиз?

— Бу барча учун, бутун Ўзбекистон учун олдинга ташланган қадам бўлади. Аввало сайловларга муваффақият, сўнг эса сабр-тоқат тиламан. Ҳали олдинда муаммолар ва хатолар бўлади. Улар бизда, АҚШда ҳам мавжуд, улар ҳамма жойда мавжуд. Лекин демократия бир мандатли эмас, узоқ муддатли жараён эканини эсдан чиқармаслик керак. Унда фаол ва ҳалоллик билан иштирок этинг — қутилган натижа, албатта, бўлади.

Олег ШАТУНОВСКИЙ, "Жаҳон" АА шарҳловчиси

Saylov savodxonligi

САЙЛОВ КУНИ ТАШВИҚОТ ЮРИТИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

— Сайловолди ташвиқоти қачон бошланади?

— Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эйтиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиладиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратишлари, депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрса-

тишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари Давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларда уруш, миллий, ирқий ва диний адоваёт тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

ИШОНЧЛИ ВАКИЛ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОСИ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

— Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари нечта бўлиши мумкин?

— Депутатликка номзод беш нафарга қадар ишончли вакил эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар би-

лан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли. Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида тайёрланди.

ҚЎШМА БУЙРУҚ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Sen Yolg'iz Emassan" Республика Жамоатчилик Болалар Жамғармаси 2004 йилнинг "Энг яхши меҳрибонлик уйи", "Энг яхши меҳрибонлик уйи тарбиячиси" кўрик-танловларини ўтказиш тўғрисида қўшма буйруқни тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни, Kadrlar тайёрлаш миллий дastури ҳамда "2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дastури"ни амалга ошириш, кадрлар салоҳиятини кўтариш, уларга бўлган талабчанликни ошириш, Меҳрибонлик уйлари ходимларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг ишини рағбатлантириш ва илғор иш тажрибасини оммалаштириш ҳамда кенг тарғиб этиш ушбу кўрик-танловнинг бosh мақсадидир.

Буйруққа кўра, Меҳр ва мурувват йилида Меҳрибонлик уйлари ўртасида "Энг яхши меҳрибонлик уйи", "Энг яхши меҳрибонлик уйи тарбиячиси" танловини ўтказиш ташкилий қўмитаси ва танловни ўтказиш Низоми тасдиқланди.

Кўрик-танловнинг республика ташкилий қўмитасига: 2004 йил 15 ноябргача кўрик-танлов иштирокчиларига бериладиган топшириқлар ва уларнинг баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

2004 йил 25 ноябрга қадар муддатда танлов ғолибларига тақдим этиладиган диплом намуналарини ишлаб чиқиш, келишиш ва тайёрлаш топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари 2004 йилнинг 25 ноябргача:

давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Меҳрибонлик уйлари ўртасида ўтказиладиган "Энг яхши меҳрибонлик уйи" ҳамда "Энг яхши меҳрибонлик уйи тарбиячиси" танловларининг "Юрагимни болаларга бағишлайман" номинацияси бўйича танлов ўтказиш юзасидан ташкилий қўмиталар тузиш, танловни юқори савияда ўтказиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

танловнинг барча босқичларини ўтказишга ҳомийларни жалб этиш ва улардан унумли фойдаланиш;

тадбир иштирокчиларининг якуний республика босқичида қатнашишлари учун уларнинг 2004 йил 22 декабрь куни Тошкент шаҳридаги 22-сонли Меҳрибонлик уйига келишларини таъминлаш вазифалари юклатилди.

Халқ таълими вазирлигининг Истиқболни белгилаш, молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бosh бошқармаси томонидан кўрик-танловнинг якунловчи босқичини ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш учун маблағ ажратиш кўзда тутилиб:

"Энг яхши меҳрибонлик уйи" биринчи ўрин ғолибига синф компютери, иккинчи ўринга шахсий компютер ва учинчи ўринга телевизор ҳамда видеомagne-тофон;

"Энг яхши меҳрибонлик уйи тарбиячиси" ғолибларига — биринчи ўринга 300 минг сўм; иккинчи ўринга 200 минг сўм ва учинчи ўринга 150 минг сўм миқдорда маблағ белгиланди.

Саҳифаларимизда ҳар иккала Низом матни эълон қилинмоқда.

Умумий қоидалар

1. Меҳрибонлик уйлари тарбиячиларининг "Юрагимни болаларга бағишлайман" касбий маҳорати республика кўрик-танлови (бундан кейин — Танлов дейилади) ушбу йўналишда самарали педагогик тажрибани аниқлаш, умумлаштириш ва оммалаштириш бўйича тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади, етим ҳамда боқувчисини йўқотган болалар билан ишловчи таълим муассасалари педагогларининг касбий ва шахсий ўсишларини рағбатлантиришга, шунингдек Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантириш йўлларини аниқлашга йўналтирилгандир.

2. "Энг яхши меҳрибонлик уйи тарбиячиси" — фидойи, юксак маънавиятли; педагогика, амалий психология назарияси ва тарихи борасида юқори билимли; болаларни ўқитиш ва тарбиялаш борасида замонавий методика ва технологияларни ҳамда педагогик амалиётни умумлаштириш ва ривожлантириш усулларини яхши билувчи педагогдир.

3. "Энг яхши меҳрибонлик уйи тарбиячиси" педагогик (тарбиячилик) фаолияти борасида муаллифлик, янгилик яратувчанлик, самарадорлик ва маҳсулдорлик жиҳатидан етарли иш тажрибасига эгадир.

II. Танловнинг ташкилий қўмитаси

1. "Sen Yolg'iz Emassan" Республика Жамоатчилик Болалар Жамғармаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.
3. Республика Хотин-қизлар қўмитаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
5. Республика "Болалар" жамғармаси.
6. Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати.

Меҳрибонлик уйлари тарбиячиларининг «Юрагимни болаларга бағишлайман» касбий маҳорати республика кўрик-танлови тўғрисидаги

НИЗОМ

III. Танловнинг мақсад ва вазифалари

1. Танловнинг асосий мақсади — Меҳрибонлик уйи педагоги касбининг мавқеини кўтариш, иқтидорли тарбиячиларни аниқлаш, тарбиявий ишлар бўйича иш тажрибасини тарғиб қилиш ва оммалаштириш, тарбиячиларнинг шахсий ва касбий жиҳатдан ўсишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

2. Танловнинг ўтказилиши куйидаги вазифаларни ечишга йўналтирилган:

- тарбиячи касби мавқеини кўтариш;
- педагогларнинг касбий ва шахсий жиҳатдан ўзларини намоён этишлари учун шароитлар яратиш;
- иқтидорли, ижодкорлик билан ишлаётган тарбиячиларни аниқлаш;
- самарали педагогик тажрибани оммалаштириш, илғор амалиётни ривожлантириш йўлларини белгилаб олиш;
- педагогик меҳнат, таълим сифатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг механизмларини такомиллаштириш.

IV. Танлов иштирокчилари

1. Танлов ихтиёрийлик асосида Меҳрибонлик уйлари тарбиячилари ўртасида ўтказилади.
2. Тарбиячиларни Танловга кўрсатиш Меҳрибонлик уйи педагогик жамоа (кенгаш)си ҳайъатида ўтказилади.
3. Танловга даъвогарни кўрсатувчи Меҳрибонлик уйи жамоаси ташкилий қўмига аризани тарбиячининг касбий тажрибаси акс этган

маълумот (икки бетдан кўп бўлмаган машинка ёзувидаги матнда) билан топширади ва унинг Танловга тайёргарлиги учун масъулиятни ўзига олади.

4. Танловда қатнашувчи даъвогарнинг иш стажи ва малакавий тоифаси эътиборга олинмайди.

V. Танловнинг таркибий қисми ва ташкилий жиҳатлари

1. Танлов ўз ичига уч босқични олади, ҳар бир босқичда ғолиб аниқланади:

I босқич - Меҳрибонлик уйида тарбиячилар ўртасида ўтказилади ва "2004 йил — Меҳр ва мурувват йилининг энг яхши тарбиячиси" вилоят босқичига тавсия этилади.

II босқич - вилоят миқёсида вилоятнинг "2004 йил — Меҳр ва мурувват йилининг энг яхши тарбиячиси" ғолиблиги учун ўтказилади.

III босқич - республика миқёсида ўтказилиб, унда вилоятда ғолиб чиққан тарбиячининг ҳужжатлари "2004 йил — Меҳр ва мурувват йилининг энг яхши тарбиячиси" ғолиблиги учун Халқ таълими вазирлигига кейинги босқичга қатнашиш учун юборилади.

2. Ҳар бир босқичнинг танлов тадбирлари қатнашчиларга ўзларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш мақсадларини кўзлайди ва ўзига куйидагиларни мужассамлаштиради:

- ўзини таништириш ("Ташриф карточкаси" (ижодий лойиҳалар ҳимояси));

• Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, педагог-тарбиячилари билан очиқ машғулотлар ва психологик тренинглари;

• Услубий тадбир — турли хил номинациялар бўйича маъруза: йўналтирилган таълим амалиёти, ўқитувчи-тарбиячи, янги педагогик технологиялар, чиқиш, тақдимот ва ҳоказо;

• Тест синови (зукколар танлови).

3. Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати:

• Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати меҳрибонлик уйида унинг раҳбари буйруғи билан тузилади ва тасдиқланади (I босқич);

• Вилоят ҳакамлар ҳайъати (Тошкент шаҳар) халқ таълими бошқармаларида тузилади ва уларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланади (II босқич);

• "Sen Yolg'iz Emassan" Республика Жамоатчилик Болалар Жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида Жамғарма Васийлик кенгаши Раиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири томонидан тасдиқланади (III босқич).

Буйруқда ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъатининг таркиби, Танловнинг мувофиқ келувчи босқичининг ўтказилиш муддати ва тартиби, уни ташкил қилиш, ўтказиш ва барча иштирокчиларни рағбатлантириш бўйича харажатлар сметаси акс эттирилади.

4. Босқичлар бўйича:

1. Танловнинг I босқичи жорий йилнинг 20 ноябрдан кечиктирилмаган ҳолда ўтказилади. У якунланганидан сўнг Танловнинг вилоят таш-

килий қўмитасига ушбу муассаса "2004 йилнинг Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси" кўрик-танлови ғолибининг иккинчи босқичда қатнашиши учун тақдимнома жўнатилади.

2. Танловнинг II босқичи 2004 йилнинг 25-30 ноябр кунлари ўтказилади. У якунланганидан сўнг Халқ таълими вазирлиги (Тошкент шаҳар) ташкилий қўмитасига "2004 йилнинг Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси" кўрик-танлови ғолибининг кейинги босқичда қатнашиши учун тақдимнома жўнатилади.

3. III босқич — финал 2004 йил 22-24 декабр кунлари Тошкент шаҳри Меҳрибонлик уйларида бирида юқорида қайд қилинган номинациялар бўйича ўтказилади.

Финал мобайнида кўрик-танловдан ташқари тадбирлар ўтказилиши мумкин:

- қатнашчиларнинг вилоят жамоалари томонидан таништирилиши;
- даъвогарлар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида ёритилиши (бу олдидан ташкилий қўмигага жўнатилади);
- "Менинг қизиқишларим дунёси" хобби-клуби;
- қувноқлар ва зукколар услубий клуби (ҚЗУК);
- танлов-сюрприз;
- педагогик жамоатчилик олдидан чиқишлар ва ҳоказо.

VI. Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати фаолияти.

1. Танловнинг ҳар бир босқичи ташкилий қўмитаси ва ҳакамлар ҳайъатининг таркиби мос равишда буйруқ асосида тасдиқланади ва у ўз фаолиятини куйидаги тамойилларга асосан юритади:

- холислик;
- ошкоралик;
- барча иштирокчиларнинг тенг имкониятлилиги;
- барча иштирокчилар учун қулай иш шароитлари.

«2004 йил — Меҳр ва мурувват йили»да «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» республика кўрик-танлови тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. «2004 йил — Меҳр ва мурувват йили»да «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» республика кўрик-танлови (кейинчалик — Танлов дейилади) етим ҳамда боқувчисини йўқотган болалар билан ишловчи таълим муассасаларининг самарали педагогик тажрибасини аниқлаш, умумлаштириш ва оммалаштириш бўйича тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.

2. «Энг яхши меҳрибонлик уйи» — бу барча санитария қоидаларига риоя қилувчи, фақат жорий ишларгина эмас, балки ўз Меҳрибонлик уйини ривожлантиришга доир истиқбол дастурига эга, таълим жараёнини ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминловчи, болаларнинг ўз-ўзини бошқариш тажрибасига эга муассасадир.

3. «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» қуйидаги мезонлар билан аниқланади: болаларни маънавий-эстетик руҳда тарбиялашга қаратилган «Биз ҳайвонот оламига, ўсимликларга, томорқага қараш, уларни парвартириш қилишга жавобгармиз», «Менинг шахсим» — ҳуқуқий тарбия каби кўшимча таълим турларини амалга ошириш, шунингдек, Меҳрибонлик уйи шароитида тарбияланаётган ўсмирларнинг касбий тайёргарлиги, тарбияланувчиларнинг Меҳрибонлик уйидан кейинги ҳаётга мослашишига йўналтирилган ҳамда уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ дастурларга эга бўлиши ва ҳоказо. Меҳрибонлик уйида асосий эътибор болаларнинг жисмоний жиҳатдан чиниқишларига, уларнинг спорт тўғрисидаги иштироки, разрядли спортчиларни тайёрлаш, турли хил мусобақалардаги иштирокини таъминлашга қаратилиши керак.

II. Танлов ташкилий қўмитаси

1. «Sen Yolg'iz Emassan» Республика Жамоатчилик Болалар Жамғармаси
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
3. Республика Хотин-қизлар қўмитаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
5. Республика «Болалар» жамғармаси.
6. Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати.

III. Танловнинг мақсад ва вазифалари

1. Танловнинг асосий мақсади — Меҳрибонлик уйига жамоатчиликнинг эътиборини жалб қилиш, бу ерда ишловчи педагогларнинг мав-

қеини кўтариш, ижобий ишлар бўйича иш тажрибаларни тарғиб ва ташвиқ қилиш ва кенг оммалаштириш, етим ва боқувчиси йўқ болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитларни яратишдан иборат.

2. Танловнинг ўтказилиши қуйидаги вазифаларни ечишга йўналтирилган:

- Меҳрибонлик уйидаги турмуш тарзини яхшилаш;
- тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва ўзини-ўзи идора этиши учун шароит яратиш;
- иқтидорли, ижодкор тарбиячиларни аниқлаш;
- самарали педагогик тажрибани оммалаштириш, илғор амалиётни ривожлантириш йўллари белгилаб олиш.

IV. Танлов иштирокчилари

1. Танлов Ўзбекистон Республикаси Меҳрибонлик уйлари ўртасида ўтказилади;
2. Дастлабки Танлов ҳудудий миқёсда ҳакамлар ҳайъати вакиллари томонидан, олдиндан ишлаб чиқилган мезонлар асосида ўтказилади.

V. Танловнинг таркибий қисми ва ташкилий жиҳатлари

1. Танлов ўз ичига уч босқични олади, ҳар бир босқичда голиб аниқланади:

I босқич - Меҳрибонлик уйида, агар бир туман (шаҳар)да иккита ва ундан кўп Меҳрибонлик уйидан бўлса, уларнинг орасидан энг яхши танланади ва вилоятга тақдим этилади;

II босқич - вилоят миқёсида ўтказилади ва «2004 йил — Меҳр ва мурувват йили»нинг энг яхши Меҳрибонлик уйи» Танлови республика миқёсига юборилади;

III босқич - республика миқёсида ўтказилиб, унда барча вилоятлардан 1 тадан голиб меҳрибонлик уйининг ҳужжатлари Республика «2004 йил — Меҳр ва мурувват йили»нинг энг яхши Меҳрибонлик уйи» Танлови голиблиги учун юборилади.

2. Ҳар бир босқичнинг танлов тадбирлари қатнашчиларга ўзларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш мақсадларини кўзлайди ва ўзига қуйидагиларни мужассамлаштиради:

- меҳрибонлик уйининг ўзини таништириши (тақдироти);
- услубий тадбирларнинг ўтказилиши;
- тарбияланувчиларнинг

қўшимча таълим соҳасидаги ишлари намойиши.

3. Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати:

• Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати вилоятлар (Тошкент шаҳар) халқ таълими бошқармаларида уларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланади (I босқич);

• Республика ташкилий қўмитаси ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари «Sen Yolg'iz Emassan» Республика Жамоатчилик Болалар Жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида Жамғарма Васийлик кенгаши Раиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири томонидан тасдиқланади (III босқич).

Буйруқда ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъатининг шахсий таркиби, Танловнинг мувофиқ келувчи босқичнинг ўтказилиш муддати ва тартиби, уни ташкил қилиш, ўтказиш ва барча иштирокчиларни рағбатлантириш бўйича харажатлар сметаси акс эттирилади.

4. Босқичлар бўйича:

1. Танловнинг I босқичи жорий йилнинг 20 ноябрдан кечиктирилмаган ҳолда ўтказилади. У якунланганидан сўнг Танловнинг ташкилий қўмитасига «Туманнинг (шаҳарнинг) Энг яхши Меҳрибонлик уйи» кўрик-танлови голибининг иккинчи босқичда қатнашиши учун тақдимнома жўнатилади.

2. Танловнинг II босқичи 2004 йилнинг 25 – 30 ноябр кунлари ўтказилади. У якунланганидан сўнг Халқ таълими вазирлиги ташкилий қўмитасига «2004 йилнинг Энг яхши Меҳрибонлик уйи» кўрик-танлови голибининг кейинги босқичда қатнашиши учун тақдимнома жўнатилади.

3. III финал босқичи — 2004 йил 22-24 декабр кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Финал мобайнида Меҳрибонлик уйлари жамоалари ўз муассасасини тақдим этишади.

Шу билан бир вақтда «2004 йилнинг Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» кўрик-танловининг финал босқичи ҳам ўтказилади.

VI. Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати

1. Танловнинг ҳар бир босқичи ташкилий қўмитаси ва ҳакамлар ҳайъатининг шахсий таркиби мос равишда буйруқ асосида тасдиқланади.

2. Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати ўз фаоли-

тини қуйидаги тамойилларга асосан юритади:

- холислик;
- ошқоралик;
- барча иштирокчилар учун тенг имкониятлар;

3. Ташкилий қўмита аъзоларининг мажбуриятлари:

- танловнинг тегишли босқичи ҳакамлар ҳайъати таркибини танлаш;
- тегишли босқични ўтказиш учун шароитлар билан таъминлаш;
- ҳакамлар ҳайъати иши учун шароитлар яратиш;
- голибнинг Танловнинг кейинги босқичида иштирокини таъминлаш.

4. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг ҳуқуқлари:

- ташкилий қўмита томонидан зарур ахборот ва услубий ёрдам олиш;
- танловдан ташқари тадбирларга ташриф буюриш.
- 5. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг вазифалари:
- танлов иштирокчиларининг касбий тайёргарлик даражаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- танловнинг барча тадбирларини холисона баҳолаш;
- махфийликни сақлаш.

VII. Голибларни аниқлаш ҳамда голиб ва лауреатларни мукофотлаш

1. Танлов голибини ҳакамлар ҳайъати аниқлайди. III босқичнинг қолган барча иштирокчилари танлов лауреатлари ҳисобланади.

2. Танлов голиби «2004 йилнинг Энг яхши Меҳрибонлик уйи» деб эълон қилинади ва унга (I-ўринга) бир синф комплект компьютер совға қилинади.

3. Голиб ва лауреатлар «Sen Yolg'iz Emassan» Республика Жамоатчилик Болалар Жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо соврин ва ҳомийлар совғалари билан тақдирланиши учун тавсия этилади.

VIII. Танловнинг молиялаштирилиши

1. Танловнинг Республика ташкилий қўмитаси харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва молиялаштириш манбаларини аниқлайди.

2. Танловнинг I, II босқичлари тегишли таълим бошқаруви органлари ва ҳокимликлар томонидан молиялаштирилади.

3. Шунингдек, Танловни молиялаштириш учун давлат муассасалари, тадбиркорлик, жамоатчилик бирлашмалари, алоҳида фуқароларнинг маблағлари ҳам жалб этилиши мумкин.

2. Ташкилий қўмита аъзоларининг мажбуриятлари:

- танловнинг тегишли босқичи ҳакамлар ҳайъатининг таркибини танлаш;
- тегишли босқични ўтказиш учун шароитлар билан таъминлаш;
- ҳакамлар ҳайъати иши учун шароитлар яратиш;
- голибнинг Танловнинг кейинги босқичида иштирокини таъминлаш.

3. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг ҳуқуқлари:

- ташкилий қўмита томонидан зарур ахборот ва услубий ёрдам олиш;
- танловдан ташқари тадбирларга ташриф буюриш.

4. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг вазифалари:

- танлов иштирокчиларининг касбий тайёргарлик даражаларини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш;
- танловнинг барча тадбирларини холисона баҳолаш;
- махфийликни сақлаш.

VII. Голибларни аниқлаш ҳамда голиб ва лауреатларни мукофотлаш

1. Танлов голибини ҳакамлар ҳайъати аниқлайди. III босқичнинг қолган барча иштирокчилари Танлов лауреатлари ҳисобланади.

2. Танлов голиби «2004 йилнинг Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» деб эълон қилинади ва унга пул мукофоти топширилади.

3. Голиб ва лауреатлар «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Фахрий ёрлиқлари, ташкилий қўмита таркибига кирувчи бошқа идораларнинг қимматбаҳо соврин ва совғалари билан тақдирланиш учун тавсия этилади.

VIII. Танловнинг молиялаштирилиши

1. Танловнинг Республика ташкилий қўмитаси харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва молиялаштириш манбаларини аниқлайди.

2. Танловнинг I, II босқичлари тегишли ҳокимликлар, таълим бошқаруви органлари ва ҳомийлар томонидан молиялаштирилади.

3. Шунингдек, Танловни молиялаштириш учун давлат муассасалари, тадбиркорлик, жамоатчилик бирлашмалари, алоҳида фуқароларнинг маблағлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Биласиз, мактабнинг кундалик дарс жадвалида ўтиладиган ҳар бир фан учун бир соат, нари борса (баъзи кунларда) икки соат ажратилган бўлади. Демак, ўқувчи ўқитувчи ёрдамида маълум фан бўйича бир кунда узоғи билан икки соат шуғулланиши мумкин. Агарда айрим кунлари ўша фан дарс жадвалига киритилмай қолишини ҳисобга олсак, ўқувчи ўзи қизиққан фан йўналиши бўйича билимини ошириш учун, энг аввало, мактаб дарслиги ва ўқув қўлланмасига муурожаат қилиши тақозо этилади. Демак, ўқувчининг таълим тайёргарлиги даражасининг юқори бўлиши кўп жиҳатдан мактаб ўқув дарслиги ва қўлланмасининг нақадар мукамаллигига ҳамда яратилган шароитга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, «2004—2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Президент фармонида кўрсатиб ўтилган беш йўналишдаги вазибалардан бири айнан мактабларнинг ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарслик ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш даражасини яхшилашга қаратилганлиги бежиз эмас.

Тажрибадан маълум, бирор фан ёки соҳа йўналиши бўйича ўқувчига берилган назарий билим амалий машғулот билан уйғунлашмас экан, қўтилган натижага эришиб бўлмайди. Ҳолбуки, шу кунга қадар кўпгина мактабларда дарслар фақат назарий билимларга суюнган ҳолда олиб борилмоқда. Яхлит узлуксизлик касб этган юртимиз таълим тизими занжирида мактаб таълимнинг заиф бўлган бўлиб қолаётганлигининг сабаби ҳам шунда аслида. Зеро, таҳлиллар шуни кўрсатадики, дастур қабул қилинганга қадар республикамиз мактабларининг ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланиш даражаси 29 фоизни, замонавий компьютер техникаси билан таъминланиш эса, 15 фоизга яқини ташкил қиларди, холос. Айниқса, қишлоқ жойлардаги мактабларнинг моддий-техника базаси қониқарсиз аҳволда эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Агарда ўқувчидан назарий билим билан бирга амалий кўникма ҳам талаб этиладиган физика, кимё, биология каби табиий фанлардан ўтиладиган дарсларнинг аксарияти шу кунга қадар фақат назарий дарслар асосига қурилганлигини ҳисобга олсак, ўқувчиларнинг айна фанларни ўзлаштириш даражаси бежизга паст бўлмаганлигини хулосалаш мумкин.

Республика умумтаълим мактабларини паспортлаштириш жараёнида инвентаризация натижаларига кўра физика хоналари бор-йўғи 30 фоизга жиҳозланганлиги аён бўлган бўлса, кимё фани хоналари 29 фоиз, биология фани хоналари эса, 28 фоиз зарур ўқув жиҳозларига эгаллиги аниқланди. Муаммони бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига асосан 2004—2009 йиллар мобайнида ҳозирда мавжуд мактабларнинг 64188 та фан хоналарини тўлиқ қайта жиҳозлаш назарда тутилган. Режанинг жорий йилда ишлаб чиқарилганлиги боис, 2004—2005 йиллар мобайнида 7068 та фан хонаси жиҳозланиши белгиланган. Бу кўрсаткич 2006 йилда 10374 тани, 2007 йилда 14135 тани ҳамда 2008—2009 йилларда 32611 тани ташкил этиши мақсад қилинган. Худди шундай, ўқув муассасаларининг компьютер техникасига бўлган эҳтиёжи ҳам шу тарзда тўлдириб борилиши белгиланган бўлиб, фақатгина 2005 йил сўнгига қадар 986 та мактаб замонавий компьютер синфига эга бўлиши режалашти-

рилган. Бундан ташқари, кўпгина умумий ўрта таълим муассасаларидаги мактаб мебеллари — парта, доска, ўқитувчи столи ва стули ҳамда китоб жавонларининг ҳам уриниб қолганлиги ҳисобга олиниб, 2009 йилга қадар дастурни амалга ошириш жараёнида жами 697434 та мактаб мебелларини янгисига алмаштириш кўзда тутилган. Биргина 2004 йилнинг ўзида бу борада 142039 та мактаб мебеллари янгиси билан ўрин алмаштирилиши белгиланган. Маълумки, дастурни бажариш режасига кўра, жойларда янги қурилаётган 325 та янги мактаб бинолари ва капитал реконструкция қилинаётган мактаблар ҳам тўлиқ фан хоналари, компьютер синфи ва мактаб мебеллари билан қайта жиҳозланадиган бўлди.

Таъкидлаш лозимки, белгиланган вазибаларнинг асосий қисми 2005 йилдан бошланиши

ла ечиш қўлланмаси, 6 та синф дафтари, 3 тадан ортиқ уй вази-фаси дафтари ҳар кун мактабга кўтариб келишига тўғри келарди. Бу эса, табиийки, ўқувчининг айна ёшда кўтариши лозим бўлган вазндан анча оғир келарди. Савол туғилади, дарслик ҳажми нималар ҳисобига ортан ва унинг камайтирилиши нима ҳисобига бўлиши лозим?

Таъкидлаш керак, энг аввало, бундан олдинги дарсликлар асосан баён усулида ёзилганлиги боис, уларнинг ҳажми кенгайди. Бу, айниқса, она тили ва адабиёти фани дарсликларига кўринади. Бундан ташқари, айна дарсликларда ўқувчининг китобга қизиқишини оширадиган турли кўринишдаги расмлар ҳам йўқ эди. Қоғоз сифати паст, ҳарфларнинг ҳажми ҳам анча майда ҳисобланади. Бундай дарсликлар эса ўқувчиларга асосан уй вази-фасини тайёрлашда қўл келар-

да чекка мактабларга дарсликларни етказиб бериш бўйича айрим муаммолар мавжуд эди. Жумладан, етказиб берувчи ташкилотлар томонидан дарсликларни шартномада келишилган муддатлардан кечиктириб бажариш ва дарсликларни мактабларга эмас, балки туман халқ таълими бўлимларига олиб бориш ҳолатлари учраб турарди.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун Халқ таълими вазирилик томонидан жорий йилдан бошлаб дарсликларни ўз вақтида ва аниқ манзилига етказиб бериш бўйича назорат ишлари кучайтирилди. Ўтказилган дастлабки мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, ҳозирги даврга келиб дарсликлар ўз вақтида ва аниқ манзилига етказиб берилмоқда. Шуниси эътиборлики, натижада ижара тизимига киритилган туманларда таълим сифат кўрсаткичлари яхшилланган-

Qaror va ijro

ратория жиҳозлари ва ускуналари рўйхатлари ҳамда уларга бўлган эҳтиёжлар аниқланди. Иқтисодиёт вазирилик билан ҳамкорликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Молия ва Соғлиқни сақлаш вазириликлари ҳамкорлигида «2005—2009 йилларда мактабларни мебеллар, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва спорт инвентарлари билан таъминлаш тўғрисида»ги Вазирият Маҳкамаси қарорининг лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқилди ва тақдим этилди. Ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъминлаш бўйича жойларда моддий базанинг мавжудлиги, умумтаълим мактабларининг ўқув-лаборатория хоналари ва информатика синфларида (кимё, физика, биология, информатика) ўқитувчилар билан таъминланганлик масаласи ўрганиб чиқилди. Эҳтиёжларни Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазириликлари тасарруфидидаги олий ўқув юртлари ҳисобидан қоплаш кўрсаткичи ҳудудлар кесимида ишлаб чиқилди. Ажратилаётган ўқув-лаборатория ускуналаридан фойдаланиш бўйича ўқитувчилар малакасини оширишнинг ихтисослаштирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар тайёрланди ҳамда икки вариантда ўқув мавзу режалари ишлаб чиқилди. Энг асосийси, вазириликнинг 2004 йил 18 августдаги 175-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Умумтаълим мактабларини ўқув мебелли ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш меъёрлари» асосида умумтаълим мактаблари учун ўқув-лаборатория ускуналари рўйхати тайёрланиб, маҳаллий корхоналарда имкон борича ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу борада маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган ўқув мебеллари ва лаборатория асбоб-ускуналарининг кўرғазма-танлови ўтказилганлиги аҳамиятлидир. Кўрғазма-танловда республикамиздаги 50 дан ортиқ корхона ва турли ишлаб чиқариш ташкилотлари ўзларининг маҳсулотлари билан иштирок этишди. Шунингдек, унда республикамизнинг худудларидан 6 минг нафардан зиёд ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, ота-оналар, методистлар ва бошқа халқ таълими ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Ўқув жиҳозларининг сифати юзасидан билдирилган мулоҳазалар инobatга олиниб, ҳар бир корхонанинг маҳсулотлари бўйича Халқ таълими вазирилик, республика Таълим маркази, ЎзПФТИ, Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ мутахассисларидан тузилган махсус ишчи гуруҳи томонидан хулосалар таҳлили жадвали шакллантирилди.

Тўғри, бугунги амалга оширилаётган ишлар таҳлилида ноқ хулоса ясаш хато. Аммо, бугуннинг ташвишида эртанинг ўйи борлиги аниқ. Келажак бугундан бошланади, деган ибратли нақлнинг маъно-моҳияти ҳам шунда, аслида. Фарзанд камоли, юрт эртаси эса ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Илҳом ОМОНОВ,
Халқ таълими вазириликнинг
Таълим муассасаларининг
моддий таъминотини ташкил
этиш бўлими бошлиғи,

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР: ДАСТЛАБКИ САРҲИСОБ, ХУЛОСАЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

УЧИНЧИ МАҚОЛА

режалаштирилган. Агарда қўйилган ҳар бир одимнинг белгиланган мақсад, маррага яқинлаштиришидаги аҳамияти инobatга олинса, бугунга қадар бажарилиши лозим бўлган масалаларнинг урдаланиши нечоғлиқ катта маъно-моҳиятга эгаллиги сезилади. Хўш, ўтган давр мобайнида айнан мактабларни ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарслик ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш йўналишида қандай ишлар амалга оширилди-ю, юзага келган муаммолар нималардан иборат бўлмоқда?

Ўз ўрнида эслатиш лозим, умумий ўрта таълим мактабларини ўқув-услубий дарсликлар билан таъминлаш мақсадида режага мувофиқ, жами 62 млн. 228 минг нусхадаги дарсликларни нашр этиш ва жойларга етказиш белгиланган. Жумладан, 2004 йилда 9 млн. 611 минг нусхадаги дарсликлар тайёрланиши зарур эди.

Дастлаб сўз дарсликлар таъминоти хусусида: Давлат таълим стандартларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражасининг самарадорлиги кўпгина омилларга боғлиқ. Биринчидан, дастурда мавзулар кетма-кетлигининг ўқувчилар ёши, психологик хусусиятларига мослиги, аввал ўрганилган билимларга таянилганлиги, фанлараро алоқанинг тўғри йўлга қўйилиши талаб этилади. Иккинчидан, дастур бўйича ёзилган дарсликнинг мукамаллиги муҳим аҳамиятга эга. Худди шундай, дарс самарадорлиги ўқитувчининг педагогик маҳорати, қўллаган илгор ўқитиш технологиясига ҳам боғлиқ. Очигини айтсак, 2000 йилгача амалда қўлланиб келинган дарсликлар таҳлил қилинганда, уларнинг ҳажми жуда катталиги айён бўлди. Шунга кўра, вазирият ҳам оғир. Агар бир кунда ўқувчи 6 соат ўқиса, 6 та дарслик, маса-

ди, холос. Устига-устак ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўйлашга ундайдиган материаллар деярли йўқ ҳисобида эди. Бир сўз билан айтганда, дарсликлардаги материаллар ўқитувчи учун ҳам илгор педагогик технологияларни қўллашга имконият бермасди. Шунга кўра, 2000 йилдан бошлаб дарсликларнинг янги авлоди яратила бошланди. Улардаги асосий ўзгариш дарслик ўзининг ўқитиш методикаси билан биргалликда тайёрланаётганлигидадир. Ўқитувчи учун чиқарилган методик қўлланмаларда ҳар бир мавзунинг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ўқитиш усули келтирилади. Фанга ўқувчининг қизиқишини ошириш мақсадида матнлар ва иллюстратив материаллар мутаносиблиги йўлга қўйилди. Китоб дизайни, қоғози, тикилишида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди.

Худди шундай дарсликларни таълим қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилида олиб бориладиган мактаблар учун ҳам яратиш мақсадида маҳаллий муаллифлар кучига таянилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирият Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 4-қарорига мувофиқ ўқувчиларнинг 1-синфлари дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўлаллигича бепул таъминланмоқда.

2004—2005 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг 2—4-синф, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 4—5-синф ўқувчилари дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ижара тизими асосида таъминланмоқда.

Халқ таълими вазирилик дарсликларни етказиб берувчи ташкилотлар билан шартнома имзолаган. Ушбу шартномаларга асосан дарсликлар мактабларга етказиб берилиши шарт. Ҳақиқатан, ўтган давр мобайни-

лиги, ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган қизиқиши ва ўқитувчиларнинг дарс бериш услублари ўзгарганлигини кўрсатди.

Ҳозирги кунда вазирилик томонидан узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, янги авлод дарсликлари ва ўқув-услубий қўлланмалари яратиш борасида эътиборли ишлар олиб борилмоқда. Дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими ўқувчиларни нафақат дарсликлар билан таъминлаш, балки мазмун жиҳатидан ҳозирги кун талабларига, Давлат таълим стандартларига ҳамда сифат жиҳатидан жаҳон андозаларига мос келадиган дарсликлар билан таъминлашни энг асосий мақсад қилган.

Иккинчи масала — мактабларни ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш борасида ўтган давр мобайнида таълим муассасаларининг ягона ахборот маконига интеграциялашуви ҳисобга олинган ҳолда замонавий мактабни жиҳозлаш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу борадаги таклиф ва мулоҳазалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Иқтисодиёт вазирилик ҳамда Алоқа ва ахборотлаштириш агентликларидан ҳам олиниб, Концепцияга аниқликлар киритилди. Шунингдек, умумтаълим мактабларининг синфхоналари, ўқув фанлари ва лаборатория хоналарини, шу жумладан, физика, кимё, биология ва информатика хоналарини Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари талабларига мувофиқ бўлган замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш нормативлари ишлаб чиқилди. Мактабларнинг моддий-техника базаси тўлиқ хатловдан ўтказилиб, хулосалар асосида мактаблар учун зарур мебеллар, ўқув-лабо-

Математика илми сир-синоатларга тўлиқ. Аслида математикага қизиқиш, математик масалалар мағзини татиб кўриш истаги болалиқдан пайдо бўла бошлайди. Бу, математиканинг ўзига хос жиҳатлари саналади. 28 ёшида ЎзФА академиги бўлган Т.Саримсоқов, 32 ёшида физика-математика фанлари доктори бўлиб, ўз илмий ишлари билан оламга танилган С.Сирожиқидинов сингари математика тарихида из қолдирган ўғлонлари кўп ўзбек элининг.



Ўзбекистон Миллий университети "Программалаш технологиялари" кафедраси мудири, халқаро EUROMECH ва GMM илмий жамиятлари аъзоси Абдували Холжигитов ҳам илмий ишлари билан кўзга кўринган олим. У 36 ёшида физика-математика фанлари доктори унвонига эришди. Домла билан суҳбатимиз математика фани, унинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, таълим-тарбия мавзуларида кечди.

— Суҳбатимизни газетамизнинг анъанавий саволидан бошласак. Сизга илк қалам тутқазган муаллимларингиз, сиз таълим олган кадрдон мактаб ўқитувчиларини эсга олиб ўтсангиз.

— Жамият ривожини, инсон камолотини устозларнинг фидойи меҳнати, чеккан захматларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шу маънода ўзим таълим олган Тошкент вилояти Пискент туманидаги қарашли Мақсуд Шайхзода номидаги 28-мактаб жамоасини, шунингдек, математика муаллими Мамаюнус Мадалиевни, физика фани ўқитувчиси Тошпўлат Йўлдошевни мамнуният билан тилга оламан. Устозларимиз ўқувчиларга меҳр кўзи билан қарар, шу билан бирга дарсларни ижодий жараён деб билардилар. Иқтидорли ўқувчилар билан яқка тартибда шуғулланишга вақт ажрата олишар, ҳар бир ўқувчига эътибор, синчковлик назари билан қарардилар. Улар физика ва математика фанларига қизиқишимни сезиб, вақтларини аямай мен билан бевосита шуғуллана бошлаганлар. Шу ўринда биринчи устозим раҳматли отам бўлганини таъкидлашим жоиз. Бундай дейишимнинг боиси падари бузрукворимиз илм йўлига киришимга асосий сабабчи бўлганлар. Талабалик йилларимда эса, устозларим, профессорлар — Шавкат Маматқулов, Борис Победра, Халил Раҳматуллинлар кўллаб-қувватлашди. Мен улардан бир умр миннатдорман.

— Математик тушунчаларни ўзлаштириш, яъни математика оламига кириш ўз-ўзидан бўлмайди. Ушбу фанга қизиқиш сизда қандай пайдо бўлган?

— Эсимда бор, ёшлигимда ўртоқларимга бирор сонни ўйлагин, мен ўйлаган сонингни топиб берман, деб мурожаат қилиб, уларни ҳайратга солардим. Аслида бу нарсаларни китобдан ўқиб, ўрганишни яхши кўрардим. Ва ҳаттоки қизиқарли мисол ва масалаларни алоҳида ён дафтарларимга ёзиб олиб эслаб юрардим. Тенглама тузиб ечиладиган масалалар мени жуда қизиқтирарди. Масалан, 2 трактор ер майдонини 5 кунда ҳайдаб тугатади, биринчиси 2 кунда, иккинчиси неча кунда тугатади? Кейин бу каби масалаларни ечиб, ўзимни жуда

катта иш қилгандек сезардим. Мана шунга ўхшаш кичик масалалар менинг математикага қизиқишимнинг ортишига сабаб бўлган бўлса керак.

— Бола оламини билишни истайдими. Бунинг учун бола ҳайратланиши керак. Шу маънода ўқувчиларни ма-

ши янгидан-янги қўлланиш соҳаларини очиб берса, ажаб эмас.

— Математика фани болаларни тўғрисиқликка, инсонийликка ўргатади. Сиз бу теоремани қандай исботлайсиз?

— Албатта, бу гапда жон бор. Чунки математика билан шуғулланиш, албатта, бирор бир шахснинг шаклланишига ижобий таъсир этади, деб ўйлайман. У инсонни фикрни аниқ ва лўнда, узвий боғлиқликда баён этишга, бир сўзликликка, инсонийликка ўргатади ҳамда унда эзгу фазилатларни мужассамлантира боради.

— ЎЗМУ "Программалаш технологиялари" кафедраси фаолиятидаги янгиликлар, шу билан бирга у ерда олиб борилаётган изланишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Ҳозирда кафедрамизда республикамиз учун жуда зарур бўлган программист мутахассисларни тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга ошириляётир. Бир қанча йўналишлар бўйича бакалавр ва магистрлар учун умумий ва махсус курслар ташкил этил-

фанлар бўйича грантини қўлга киритишди.

Мен, шу ўринда SRAS корпорацияси томонидан яратилган COSMOS номли программалар пакети ҳақида гапирмоқчи эдим. Бу программа таъминоти МКЭ усули асосида яратилган бўлиб, дунё бўйича ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида жуда кенг фойдаланилади. Бу программалар пакети ҳақида www.cosmosm.com интернет саҳифаси орқали тўлиқроқ маълумот олиш мумкин.

Бизнинг назаримизда, COSMOS программа таъминотидан республикамиз учун долзарб бўлган таълим, самолётсозлик ва мудофаа, автомобилсозлик, машинасозлик, темирйўл, қурилиш, тоғкон ишлари, нефть-газ, материалшунослик, медицина каби соҳаларда кенг фойдаланиш мумкин. Бунинг учун техник олий ўқув юртлари учун шу программа асосида ўқув режаларига ўзгартиришлар киритиш ва бу борада дарс олиб кадрларни тайёрлаш керак бўлади.

Инженер ва техник ходимларнинг бу воситадан ўз иш фаолиятида унумли фойдала-

Абдували ХОЛЖИГИТОВ:

«МАТЕМАТИКАНИНГ ҚИЛАДИГАН ИШЛАРИ ҲАЛИ ЖУДА КЎП»

тематика фанига қандай йўллар билан қизиқтурса бўлади?

— Математика фанини ўзлаштиришда ва унга қизиқиш уйғотишда математика ўқитувчисининг роли жуда катта деб ўйлайман. Одатда болаларнинг савиялари бир-бирларидан жуда катта фарқ қилмайди. Масала ва мисоллар содда, тушунарли ҳолда тушунтирилса, математикани ёмон кўрадиган ўқувчилар ҳам бу фанга қизиқиб қолади. Бунинг учун ўқитувчи бирор дарсни ўқишда аввало ўзи дарсдан қониқиш ҳосил қилиши, қилган ишидан хузурлана олиши, болаларнинг тушунчаларни ўзлаштирганлигидан хурсанд бўлиши ва кайфияти кўтарилиши керак. Бир сўз билан айтганда, ўз касбининг устаси, фидойиси бўлсагина, ўқитувчи ўқувчилари қалбига кириб бора олади.

— Математика фани ўқитувчиларидан бири очик дарсларнинг бирида "Математика — бу ўйин, ўйин — бу ижодиёт" деган иборани қўллаганди. Бу фикрга қандай қарайсиз?

— Математика бу фикрлаш ўйини, фикрлаш, мулоҳаза, мушоҳада қилиш эса, бу ижод, ижоднинг бошланишидир. Албатта, математикага фақат ўйин деб қараб бўлмайди. Лекин, унга ўйин сифатида қаралиб, қирлади, холос. Аслида математика табиат ва жамият қонунларининг инъикоси билан шуғулланувчи фандир. Шунинг учун математиканинг қиладиган ишлари ҳали жуда кўп. Информацион ва компьютер технологияларининг жадал суръатлар билан ривожлани-

ган. Программалаш асослари, Delphi муҳитида программалаш, Visual C++, Visual Basic, тизимли программалаш, Ассемблер, SQL, Java C# тиллари, шунингдек, "Татбиқий масалаларни компьютерда моделлаштиришнинг замонавий усуллари" курслари шулар жумласидандир. Кафедрани битирувчилари банк-молия соҳасида, бухгалтерия, ички ишлар идораларида, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида инфорацион технологиялар соҳасида ишлаб келмоқдалар.

Факультетимиз ва кафедрамиз профессор-ўқитувчилари ва битирувчилари республикамиз учун зарур, долзарб бўлган амалий масалаларни компьютерда моделлаштириш бўйича катта ёрдам беришлари мумкин. Энг асосийси, кафедрамизда амалий масалаларни математик ва компьютерда моделлаштиришга асос бўладиган МКЭ (Метод конечных элементов — Чекли элементлар усули) ва МГЭ (метод граничных элементов — Чегаравий элементлар усуллари) каби замонавий ҳисоблаш усуллари асосланган программалар тузилган. Бир нечта номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ҳозирги кунда иккита ходимимиз номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш арафасида туришди. Zutas ва УНТЦ каби халқаро грантларга илмий лойиҳалар топширганмиз. Унда ўқитувчилардан ташқари аспирант ва магистрлар ҳам фаол қатнашишмоқда. Энг қувонарлиси, кафедрамиз профессор-ўқитувчилари республикамизнинг Фан ва технологиялар марказининг фундаментал

нишлари иқтисодиётимизнинг юксалишига яхши таъсир этувчи омиллардан биридир, деб ҳисоблаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, кафедрамиз профессор-ўқитувчилари "COSMOS" программалар пакетини ўрганишда ва у бўйича мутахассислар тайёрлашда тегишли ташкилотларга ёрдам беришга тайёрлигини маълум қиламиз.

— Франция, Испания, Греция, АҚШ, Хитой мамлакатларида бўлиб ўтган илмий конференцияларда мақола ва маърузалар билан иштирок этибсиз. Математик терминларни инглиз тилида ифодалаш қийин кечмайди?

— Математика соҳасида инглиз тилида маърузалар ўқиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Соҳага тегишли терминларни билиш ва гап тузишни эплаш соҳа бўйича маъруза қилиш учун етарли бўлади. Илмий ишларимни ҳимоя қилиш жараёнида инглиз тилини билиш зарурат эканлигини тушуниб етдим. Шу боис инглиз тили бўйича икки йиллик курсни тугатдим. Чунки илмий изланишлар қилиш учун дунё олимларининг ишларидан бохабар бўлиш зарурати туғилган эди менда. Кейинчалик бу тил докторлик ишимни ёқлашда жуда қўл келди. Ҳозирги кунда интернет орқали соҳамиз бўйича дунёдаги кўпгина олимлар билан мулоқотда бўлиш, илмий анжуманлар, мақолалар, китоблар билан танишишда инглиз тили жуда зарур бўлмоқда. Халқаро EUROMECH ва GMM илмий жамиятларига аъзо бўлишимда инглиз тилини билишим асқотди.

— Халқаро анжуманлар-



га ҳам таклифлар бўлиб турадимиз?

— Халқаро анжуманлардан жуда кўп таклифлар келади. Энг зарурларига боришга ҳаракат қиламиз. Ҳеч бўлмаганда илмий мақолаларимизни, албатта, жўнатамиз. Биз 2003 йил апрель ойида Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманда маъруза билан қатнашдик. Чет эллик олимлар билан мулоқотда бўлиб, улар билан яқиндан танишдик. Бу анжуманнинг илмий хулосаларидан бири шу бўлдики, бизнинг илмий салоҳиятимиз ҳеч кимдан кам эмас. Ва дунё олимлари орасида бизнинг олимларимизнинг нуфузи улкан. Бу, албатта, бизни қувонтирмасдан қолмайди.

— Аниқ фанлар тараққиёти ҳақида гап кетгудек бўлса, албатта, ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абул Вафо Жузжоний, Фиёсиддин ал-Коший, Умар Хайём, Насриддин ат-Тусий, Мирзо Улуғбекларнинг номлари тилга олинади. Сизнингча, математика фанининг ривожини буюк алломаларимиз фаолияти билан бевосита боғлиқми?

— Ўлкамизда буюк алломаларнинг ўтганлиги бизга гурур туйғусини бериш билан бирга катта масъулият юқини ҳам кўяди. Бу хусусда шу йилнинг бошида Олий педагогика институтида ўтган учрашувда "Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиши ва жаҳон тажрибаси" мавзусидаги маърузамда ҳам тўхталиб ўтган эдим. Демак, бизнинг жаҳон цивилизациясида ўз ўрнимиз бор. Бу ўринни ҳозирги кунда янада ривожлантиришга, юксалтиришга, илм-фанни янада равнақ топтиришга, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор беришимиз керак. Чунки дунё, давлатлар ривожини халқ фаровонлиги, илм-фан ютуқлари билан узвий боғлиқдир. Бунга дунё мамлакатларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

— "Ma'rifat" муштарийларига тилакларингиз.

— Касбга муҳаббат — улғуликка йўл, дейишади. Чиндан ҳам касби-коридан камол топган инсонларнинг ҳаёт йўлларига назар ташланса, ўз касбига муҳаббат, садоқати, эътиқоди чексизлигини кўрамиз. Устозларимиз қалбини ҳам ўқувчиларга таълим-тарбия беришдек шарафли касбларига содиқлик фазилати ҳеч қачон тарк этмасин. Улар бахтимизга ҳамisha омон бўлсинлар.

Яна бир гап. Илм-маърифатга эҳтиром, уни равнақ топтириш, ўқитувчилик мартабасини юксалтириш — ҳозирги кунда давлат сиёсати даражасида. Бу эҳтиромга яраша жавоб лозимлигини устоз-мураббийларимиз ҳамisha ёдида тугатади, деб умид қиламан.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.

Yangicha ish usuli

Maълумки, оммавий ахборот воситаларида янги қонун, фармон, қарорлар эълон қилинганда барча таълим-тарбия муассасаларида маънавият соатларида, тарбиявий соатларида, педагогик ўқув ёки педагогик йиғилишларда ана шу ҳужжатлар ўрганиб чиқилади. Шубҳасиз, янгиликларни ўрганишда бундай ёндашув ўзининг муайян натижасини бермоқда. Бироқ, халқ таълими соҳасини ривожлантириш ва таррақий эттириш мақсадида қабул қилинаётган янги, муҳим ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини янгича усулларда ўрганишни кундалик турмушимизнинг ўзи тақозо этмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш ҳақида»ги фармони, мазкур фармонни рўёбга чиқаришга қаратилган ҳукумат қарорлари ва вазирлик буйруқлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳақида»ги фармони ва мазкур фармоннинг ижроси-

моқ саткасига ўтиш тўғрисида»ги 335-сонли қарорининг ҳамда Халқ таълими вазириликнинг 2004 йил 3 августдаги 158-сонли буйруғини ўрганиш, сиёсий билим даражасини ошириш.

II. Объект. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими, бошқарма тасарруфидаги муассаса ва ташкилот раҳбарлари.

III. Жойни тайёрлаш: 6 та стол, 5 та стул, минбар, доска ва зарур ўқув жиҳозлари.

IV. Моддий таъминоти: магнит доскаси, кодоскол, мазгуво оид кўргазмалар кўрсаткичи, тарқатма материаллар ва бошқа ўқув жиҳозлари (30-35 та оқ қоғоз, 5 хил маркер, 30-35 дона қалам, 15 та рангли қоғоз, 2-3 хил скотч, қайчи, елим ва ҳ.к.)

V. Тингловчиларнинг самарали иштироки эйтиш тамойиллари:

- бир-биримизга ёрдам бергани келганимиз;
- очик-ойдин мулоқотда бўлишга ҳаракат қиламиз;
- ўзаро фикрлашиб, муаммонни ҳал этамиз;
- агар савол тушса, жавоб берамиз;
- қўйилган муаммоларни биргаликда ҳал этамиз;
- бир-биримизга халал бермаймиз;

IX. Ташкилий ишлар: Плакат қозғога рангли қаламда гуруҳ номлари ёзилади. Гуруҳларни номлашда ҳар бир кишининг фикри инобатга олинади.

X. Тингловчиларга қўйилган талаблари:

- самимийлик ва ҳозиржавоблик;
- вақтдан унумли фойдаланиш;
- масъулиятлик;
- олтин қоида — қўл кўтариш қоидадига амал қилиш;
- вақтдан тежамли фойдаланиш;
- аниқ, қисқа ва лўнда жавоб бериш;
- қизиқувчанлик, тиришқоқлик билан ёндашиш;
- ўзаро ҳурмат;
- эркин фикрлаш;
- танқидий фикр билдириш;
- ҳар ким ҳар кимга ўргатади;
- мақсадга интилиш.

Сеҳрли сўзлар (яъни ўзаро муоамала маданияти):

- қарши бўлмасангиз...
- меннинг фикримча...
- агар ижозат берсангиз...
- сизни тўғри тўраганим бўлсам...
- мумкин бўлса...

XI. Қузатувларни аниқлаш ёки «Ечимлар дарахти»: Кузатувларни аниқлаш учун ҳар бир гуруҳ аъзосига қозғодан ясалган олма шакли берилади. Ҳар бир олманинг ор-

Тарбия борасида гап кетар экан, албатта, рағбат ва жазо тилга олинади ҳамда унинг уч хил кўриниши айтиб ўтилади. Биринчи томон тарбиянинг асосини жазо ташкил қилиши керак, деса, иккинчи томон тарбияда жазога ўрин йўқ, унинг асосини рағбат ташкил қилиши лозим дейди. Аммо, учинчи йўналиш юқоридоғи иккаласини ҳам инкор қилиб, ҳақиқий тарбияда жазога ҳам, рағбатга ҳам ўрин йўқ, деб ўқтиради.

Айтиш лозимки, асл тарбиячи, у хоҳ ота-она бўлсин, хоҳ ўқитувчи тарбиячи бўлсин, на жазони, на рағбатни инкор қилолмайди. Жазосиз, рағбатсиз тарбияни фақат абстракт— рағбат билан бўлади.

Маълумки, инсон руҳи, унинг хотираси ўзига ва унинг атрофида бўлиб ўтган воқеаларга ўта сезгир бўлиб, улардан бевоқифа талоқ чикариб, шаклланиб боради.

Ўқувчи биринчи синфга илк бор келганидан бошлаб, айтилик, барча кечиктиш қораланишини, агар бу ҳол унинг фаолиятида рўй берса, жазоланишини билади. Демак, дарсга тез-тез кечикиб келаётган болага берилган жазо билан бу ҳолатни биринчи бор содир қилган боланинг жазоси бир хил бўлиб қолмаслигида ҳақиқий педагог-тарбиячининг маҳорати намоён бўлади. Бу ўринда тарбиячи бола фаолиятида содир этилган уч ҳаракатнинг иккитаси салбий бўлиб, фақат биттаси ижобий бўлса ҳам, авваламор, айнан ана шу ижобий ҳаракатнинг эътирофи эътиборга олинади. Бу ўринда тарбиячи сифатида ўта катта имкониятни қўлга киритамиз, яъни, шахсининг ўзини ўзи тарбиялашига замин яратамиз. Маълумки, тарбиячиларнинг ҳар қандай тар-

ТАРБИЯДА РАҒБАТ ВА ЖАЗО

O'qituvchiga yordam

этимасликнинг ўзи жазо бўлиб туюлиши мумкин. Яна бир нарсани алоҳида қайд қилиш лозимки, ҳар қандай жазо ва рағбат ўз ўрни ва вақтида қўлланилмас экан, уларнинг адекват таъсирини кутиш қийин. Бу ўринда яна бир ҳол, яъни, жазонинг жамоа орасида очик берилмаслигини эътиборга олиш лозим.

Тарбияда жазо ва рағбат оғдатда бирга тилга олингани билан жазонинг қўлланилиш шарт-шароити рағбатнинг бутунлай тўғри келмайди. Рағбат ўз ўрнида доимо (баъзи ҳоллар бундан мустасно) очик, жамоа ичида қўлланилишни тақозо этса, жазо аксинча, доимо индидуал, яширин, фақат ўта кам ҳолатда очик ва жамоа ичида қўлланилишни тақозо этади.

Тарбияда жазо ва рағбат ҳақида сўз юритган ҳар қандай тарбиячи билан, жазо ва рағбат тарбиявий воситалар сифатида ўз ўрнида меъёр тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Меъёрдан ошган рағбат бола тарбиясига қанчалик салбий таъсир қилса, меъёрга етмаган жазо ҳам шунчалик салбий таъсирга эга. Бу ўринда меъёрдан ошган жазо ҳақида сўз юритишнинг ўзи ортиқча. Чунки тарбия жараёнида меъёрига етмаган жазо чорасини баъзи ҳолларда қўллаш мумкин, десак ҳам, меъёрдан ошган жазо чорасини умуман қўллаш мумкин эмас, демоқчимиз.

Маҳмуд йўлдошев, психология фанлари номзоди



йўл билан бола фаолиятидаги ижобий ҳаракатга таъминланади. Бу эса, ўз ўрнида фақат жазо ва рағбат бўлиб қолмай, алоҳида рўйи таъсир ҳамадир.

Тарбияланувчи ўз қилган ҳаракатларини доимо билади. Айни шу ўринда унинг ўз салбий ҳаракатларининг очик жазосиз қолиши ва биргина ижобий ҳаракатининг рағбат топиши кучли бўлиб, унинг руҳига сингади, бола ўз ҳуқуқига маълум ўзгаришларни киритишга ўта катта имкониятни қўлга киритамиз, яъни, шахсининг ўзини ўзи тарбиялашига замин яратамиз. Маълумки, тарбиячиларнинг ҳар қандай тар-


бияланувчининг жазога нисбатан кўникиб боришини, бошлаб қўлланилган кичик жазолар бориб-бориб боланинг на бетига, на эътига таъсир қилмай қўйишини таъкидлайди. Болага тарбия жараёнидан бошлаб қўлланилган жазо чораси тобора мураккаблашиб, тобора кўчирок таъсир кўрсатиб бориши кўрсатилган. Демак, тарбия жараёнида жазо мумкин қадар қўлланилмаслиги, унинг ўрнини рағбат эгаллаб боришни тақозо қилади.

Маълумки, инсон руҳи, унинг хотираси ўзига ва унинг атрофида бўлиб ўтган воқеаларга ўта сезгир бўлиб, улардан бевоқифа талоқ чикариб, шаклланиб боради.

Ўқувчи биринчи синфга илк бор келганидан бошлаб, айтилик, барча кечиктиш қораланишини, агар бу ҳол унинг фаолиятида рўй берса, жазоланишини билади. Демак, дарсга тез-тез кечикиб келаётган болага берилган жазо билан бу ҳолатни биринчи бор содир қилган боланинг жазоси бир хил бўлиб қолмаслигида ҳақиқий педагог-тарбиячининг маҳорати намоён бўлади. Бу ўринда тарбиячи бола фаолиятида содир этилган уч ҳаракатнинг иккитаси салбий бўлиб, фақат биттаси ижобий бўлса ҳам, авваламор, айнан ана шу ижобий ҳаракатнинг эътирофи эътиборга олинади. Бу ўринда тарбиячи сифатида ўта катта имкониятни қўлга киритамиз, яъни, шахсининг ўзини ўзи тарбиялашига замин яратамиз. Маълумки, тарбиячиларнинг ҳар қандай тар-



акс этирувчи бурчаклар қайта тайёрланган. «Меҳр-жон» бадий эрталигига, Конституция кунига бағишланган «Қомусимиз—номусимиз» байрам эрталигига тайёрларик кўрилмоқда. «Маънавият ва маърифат» хонасида маънавият ва маърифатга оид адабиётлар тўпланган ва ўрганилмоқда. Гуруҳларда маънавий тарбия бўйича кўргазма ва қўлланмалар тайёрланган. «Ғазалхон ёшлигим», «Жажга гўзал», «Оила қадриятларимиз ойнаси», «Ватан остонадан бошлана-



Нигора ТУРСУНОВА, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходими

ЎРГАНИШ — АМАЛИЁТДА ФАОЛ БЎЛИШДИР

ёхуд қабул қилинаётган муҳим ҳужжатларни ўрганишга янгича ёндашув хусусида

ни таъминлашга қаратилган ҳукумат қарорларини чуқур ўрганиб, амалиётга таъбиқ этиш соҳа ходимларининг барчасидан катта сафарбарликни, ҳамкорлик ва ҳамжихатликда ишлашни талаб этмоқда. Бошқача сўз билан айтганда, шу муҳим ҳужжатларни амалиётга таъбиқ этиш ишида ҳар биримиз фаол иштирокчи ва тарғиботчига айланмоғимиз лозим. Бунинг учун ҳар биримиздан қабул қилинган ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини пухта билиб олиш талаб этилмоқда.

Навий вилоти халқ таълими бошқармаси методика маркази томонидан семинар-тренинглар, интерфаол усулларда машғулотларни ўтиш орқали муҳим меъёрий-ҳуқуқий, меъёрий-усулбий ҳужжатларни педагогик жамоалар ўртасида ўрганишни ташкил этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2004 йил 7 октябр кунин республика Таълим марказида махсус курстан ўтган тренерлар томонидан Навий шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабида туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирилари, бошқарма тасарруфидаги муассаса ва ташкилот раҳбарлари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 июлдаги «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашининг тармоқ саткасига ўтиш тўғрисида»ги 335-сонли қарорини ва Халқ таълими вазириликнинг 2004 йил 3 августдаги 158-сонли буйруғини ўрганишга бағишланган «Ўқитувчининг касбий маҳоратини баҳолашда ҳаққонийлик ва ошкоралик тамойиллари» мавзусида семинар-тренинг интерфаол усулида ўтказилди. Худди шундай семинар-тренинг 2004 йил 22 октябр кунин вилот халқ таълими бошқармасида тажрибатаянч мактаблари директорлари учун ҳам ташкил этилди. Тингловчиларга (тренерларга) худди шундай семинар-тренингларни ҳар бир таълим муассасида ташкил этиш бўйича зарур амали ва методик таълимлар берилди.

Вилот халқ таълими бошқармаси методика маркази томонидан ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 июлдаги 335-сонли қарори ва Халқ таълими вазириликнинг 2004 йил 3 августдаги 158-сонли буйруғининг мазмун-моҳиятини, тартибини билиб олиш ва амалиётда қўллашда фаол иштирок этиш.


VIII. Гуруҳларда ишлар: Жами иштирокчи: 30 нафар. 6 кишидан 5 гуруҳга бўлинади. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда гуруҳлар куйидагича номланади ва гуруҳ номи ёзиб қўйилади:

- 1-гуруҳ — комиссия раиси
- 2-гуруҳ — масъул котиб
- 3-гуруҳ — ўқитувчи
- 4-гуруҳ — методист
- 5-гуруҳ — вакил

қасига семинар-тренингдан кутилаётган натижа ёки фикр ҳар бир иштирокчи томонидан ёзилади, плакат қозғоқчи қилган олмаларга ҳар бир фикр игна-бад орқали қадаб қўйилади ва жойлаштирилади.

Семинар-тренинг иштирокчилари ҳукуматимизнинг 335-сонли қарорини ҳамда вазирликнинг 158-сонли буйруғини нечоғлиқ ўрганиб олганликларини аниқ, қисқа, лўнда фикрлар билан ёзиб қўядилар. Шу усул билан «Ечимлар дарахти» фикрлар билан тўлдирилади.

Гуруҳ аъзолари ҳамкорликда фикрлашиб, маслаҳатлашиб, муҳим ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кўргазмада кўрсатилган муаммо ва ғоялар асосида ифодалаб (таърифлаб) беради. (Шаклга қаранг.)



нологияларидан фойдаланиш (йўллари) усулларини аниқлаш;

- эркин мулоқот муҳитини яратиш.

VII. Кутилаётган натижа: Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 июлдаги 335-сонли қарори ҳамда Халқ таълими вазириликнинг 2004 йил 3 августдаги 158-сонли буйруғининг мазмун-моҳиятини, тартибини билиб олиш ва амалиётда қўллашда фаол иштирок этиш.

VIII. Гуруҳларда ишлар: Жами иштирокчи: 30 нафар. 6 кишидан 5 гуруҳга бўлинади. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда гуруҳлар куйидагича номланади ва гуруҳ номи ёзиб қўйилади:

- 1-гуруҳ — комиссия раиси
- 2-гуруҳ — масъул котиб
- 3-гуруҳ — ўқитувчи
- 4-гуруҳ — методист
- 5-гуруҳ — вакил

МУАММО

- 1-FOЯ: Педагогик ходимлар тарфи ставкаларига қўшилади-рига қўшимчаларни белгилаш комиссиясининг асосий вазифаси, тузилиши ва таркиби
- 2-FOЯ: Комиссия ишининг тартиби, мазмуни, амал қилиш тамойиллари
- 3-FOЯ: Ўқитувчилар таъбир тарғиб мониторингини нима?
- 4-FOЯ: Қўшимча маорши дифференциаллаш усули ва мезонлари

— Бу таълим муассасаларининг, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Зокиров, — халқ таълими тасарруфига ўтказилиши кўп имкониятларни очиб берди. Хабарингиз бор, илгари бу муассасалар турли ташкилотлар ва корхоналар тасарруфида эди. Дастлабки имконият шу бўлдики, мактабгача таълим муассасалари профессионал мураббийлар билан таъминланди. Бу энг катта ютуқдир. Кейин бу муассасаларда тарбия мазмуни ўзгартрилди. Ниҳоят, муассасаларнинг моддий-техник базаси кучайтирилди.

Тошкент шаҳри мактабгача таълим муассасалари замонавий таълим базалари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу борада, айниқса, пойтахтимиз Тошкент шаҳри мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда пойтахтда 504 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

— Бу таълим муассасаларининг, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Зокиров, — халқ таълими тасарруфига ўтказилиши кўп имкониятларни очиб берди. Хабарингиз бор, илгари бу муассасалар турли ташкилотлар ва корхоналар тасарруфида эди. Дастлабки имконият шу бўлдики, мактабгача таълим муассасалари профессионал мураббийлар билан таъминланди. Бу энг катта ютуқдир. Кейин бу муассасаларда тарбия мазмуни ўзгартрилди. Ниҳоят, муассасаларнинг моддий-техник базаси кучайтирилди.



Maktabgacha ta'lim

қатан ҳам мураббийлар учун жуда зарурдир. Шунингдек, қўлланмаларнинг тажриба-синовдан кейин амалиётга жорий этилиши айни мўддао. Чунки тажриба-синов вақтида қўлланмалар нафақат гоёвий, балки мазмун ва услуб жиҳатидан янаришда янги педтехнологиялардан фойдаланиш тақомиллаштирилмоқда. Илк ёш гуруҳларда болаларни сенсор ривожлантиришда М.Монте-

Дастур талаблари асосида болаларда билим ва малакаларни ўзлаштиришда педагогик технологиялардан фойдаланишда интерфаол усуллар қўлланилган. Болаларнинг жисмоний, маънавий нутқ ва тафаккурини ривожлантиришда янги педтехнологиялардан фойдаланиш тақомиллаштирилмоқда. Илк ёш гуруҳларда болаларни сенсор ривожлантиришда М.Монте-

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАЯНЧЛАРИ

ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда шу дастурлар асосида қўлланмалар яратилмоқда. Муаллифлар гуруҳи томонидан «Одоб дурдоналари» қўлланмаси яратилиб, тажриба-синовдан ўтказилаётгани сўзимиз исботидир.

Бундай қўлланмалар ҳақи-

олиятлари билан батафсил танишидик. Улар ўйинчоқлардан тортиб хоналарнинг жиҳозланишига, қўлланмалардан тортиб кўргазмалар қўролларгача миллий тарбия ғояларига мос экани билан ажралаиб туради. Француз мутафаккири Ш.Густав айтганидек, «Боланинг ўйинчоғида, хонасида ва унга қўрсатилган кўргазмалар кўроллари тарбия миллийлиги бўлмас экан, тарбия самарали бўлмайди». Шу маънода Юнусобод тумани мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилаётган тарбиявий ишлар ибратлидир. Юнусобод тумани халқ таълими бўлими масъул ходимлари шундай деб қолишди: «Тиришқоқ, ташаббускор ва ҳаракатчан мураббийларга қўшимча 15 фойиз устама иш ҳақи тўлаямиз». Бу бозор иқтисодиёти шароитида ташаббускор ва ҳаракатчан мураббийларга қўшимча 15 фойиз устама иш ҳақи тўлаямиз». Бу бозор иқтисодиёти шароитида ташаббускор ва ҳаракатчан мураббийларга қўшимча 15 фойиз устама иш ҳақи тўлаямиз. Бу бозор иқтисодиёти шароитида ташаббускор ва ҳаракатчан мураббийларга қўшимча 15 фойиз устама иш ҳақи тўлаямиз.

ди» каби маънавиятга оид тадбирлар уюштирилган. Миллий истиқлол ғоясига садоқат, эришилган ютуқлардан гуруҳларини шакллантириш мақсадида Темурийлар тарихи давлат музейида, А.Навий номидаги адабиёт музейи, Мустақиллик майдонига, Шахидлар хиёбонига саёҳатлар уюштирилган. Газета ва журналларга обуна бўлинган. Театр ва музейларга ходимлар билан сайр уюштирилган. «Ватан йилномаси» стенди ташкил этилган.

Дастурларни ўзлаштиришда болалар мустақил фикрлашни ўрганмоқдалар, луғатларига кўплаб янги сўзлар киритилмоқда, қизиқарли воқеаларга бой асарлар билан танишмоқдалар. Турли вазиятларни тўғри баҳолашга, яхши ва ёмонни

фарқлашга ўрганмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, Тошкент шаҳри мактабгача таълим муассасаларида тарбия ишлари бугунги кун талаблари асосида олиб борилмоқ-



Нигора ТУРСУНОВА, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходими


Саксон ёшни қоралаб бораётган мўътабар инсон, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод домла адабиётимизга ёниб кирган ижодкорлардан бири эканини ҳамма билади. Сўз санъати — бадиий адабиётга катта меҳр қўйган ва юксак эътиқодига бир умр содиқ қолган бу фидойи олим дастлабки мақолалари, илк китоби биланоқ катта шўхрат қозонганига биз — 60-йиллар талабалари гувоҳ бўлганмиз. Домланинг 1962 йилда чоп этилган “Замон, қалб, поэзия” китоби шеърятимизни тушунишимиз учун ўзига хос қибланома бўлган эди. Шеърни севиш, гўзаллигини англаш ва таҳлил қилиш сирларини шу китобдан ўрганганмиз. Айниқса, домланинг жасорати, шижоати ҳаммамизни хайратда қолдирганди. У қалб кўри билан битилган чинакам шеърят дурдоналарини қаттиқ ҳимоя қилган ҳолда ўртамиёначилик, қуруқ назмбозлигу замонасозликка қарши аёвсиз ўт очган эди. “Замон, қалб, поэзия”, “Лирика ҳақида мулоҳазалар” каби йирик мақолаларида бир вақтлар адабиётга катта хизматлар қилган бўлсада, аммо кейинги вақтларда талабчанликни сусайтириб, “ақл ўргатувчи” шеърлар ёзишга ўтиб олган номдор шоирларни аяб ўтирмаганди. Озод ака масалани кўндаланг қўйган эди: шеърятда ҳаммага талаб бitta — шоир инсон юрагини, унинг хилма-хил, мураккаб туйғулари, кечинмаларини маҳорат билан, ўзига хос ёрқин бўёқларда, бетакрор шоирона тимсолларда очиб бериши керак. Шеър — ҳаммага маълум фикрларни қофияга солиб, назмбозлик қиладиган майдон эмас. Ҳар қандай замонавий шiorлар, долзарб мавзулар санъат жозибасидан йироқ, ҳароратсиз мисраларни оқлай олмайди. Танқидчи ана шу юксак мезонлар асосида шеърятдаги иллатларга ўт очган ва айна замонда умидбахш изланишларни, санъаткорлик нафаси уфуриб турган чинакам шеърят намуналарини хайрихоҳлик билан таҳлил қилиб, улардаги фазилатларни кўрсатиб берган эди.

Китобдаги яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш керак. Озод ака истеъдодли ёшларни рағбатлантиришга катта эътибор берган, жумладан, “Нихоллар” мақоласида Хусниддин Шарипов, Хайриддин Салоҳ, Эркин Воҳидов, Сайёр, Азиз Абдуразақов, Теша Сайдалиев, Гулчехра Жўраева сингари шу йилларда илк китобларини чиқарган ўнлаб ёш шоирлар ижоди ҳақида самимий фикрлар билдирган эди. Домланинг катта ишончини оқлаган бу ижодкорлар адабиётимизга янги нафас олиб киргани маълум. Озод ака кейинчалик ҳам ёш ёзувчи ва шоирларнинг дадил чиқишлари ва ранг-баранг изланишларини қўллаб-қувватлаб келди. Адабиёт майдонида йил этган умидбахш учкун унинг назаридан четда қолмади. У бугунги шеърятимизнинг дарғаси Абдулла Ориповга оқ йўл тилади. Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирозев, Неъмат Аминов ижоди ҳақида мақолалар ёзди. Шавкат Раҳмон, Усмон Азимов, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Шукур Қурбон, Маҳмуд Тоировлар ва бошқа ўнлаб истеъдодли ёшлар ижодини меҳр билан тарғиб қилди. Озод аканинг Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров ва бошқа бир қатор сўз санъаткорлари ҳақида ёзган адабий-илмий очеркларни ўзбек адабиётшунослигида адабий портретнинг энг яхши намуналари деб тан олинди.

Домланинг биринчи китобида бутун буй-басти билан кўринган жасорат ва шижоат кейинги барча катта

мақолаларини беэаб келмоқда.

Маълум даражада ижодий сарҳисоб — умр китоби бўлган «Ижодни англаш бахти» олти бўлимдан иборат. Устоз кейинги йилларда ёзган асарларини саралар экан, уларни “Истиқлол нурларидан эврилаётган адабиёт” “Истиқлол ўйлари”, “Адабий суҳбатлар”, “Қадрдон чехралар”, “Устозлар ва ҳамкасабалар”, “Жажжи портретлар, ихчам тақризлар” каби туркумларга ажратган ҳолда ўқувчига тақдим этади. Биринчи туркумга кирган мақолаларда Чўлпон, Фитрат, Ҳамза ижоди ҳамда 20-30-йиллардаги жадид адабиёти тадқиқ қилинади. Уларнинг ҳаммасида маданий меросимизга янгича нигоҳ билан қараш, истиқлол ғояларини



олган барча мақолалари ана шундай юксак пафос билан суғорилган. Уларнинг маърифий ва эстетик аҳамияти ниҳоятда кучли. Адабий тадқиқот, бади, хотира, тақриз, суҳбат, интервью тарзида ёзилган бу мақолаларни яна бир ноёб фазилат — ҳалоллик беэаб туради. У адабий ҳаётнинг қайси даври ҳақида гапирмасин, қайси ёзувчи ва шоир ижоди ҳақида ёзмасин, мавзунинг бутунлай номаълум ёки тўла очилмаган қиррасини ибратли воқеалар, хотиралар воситасида ўта жонли ва қизиқарли ёритиб беришга эришади. Китобдаги Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Кибриё Қаҳҳорова, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Сарвар Азимов, Ўлмас Умарбеков, Музайяна Алавия, Зоҳиджон Обидов ва бошқа

УМР КИТОБИ

тараннум қилиш, миллатнинг қувонч ва ташвишлари, дардлари билан ҳамнафас яшаш руҳи устувор. Шу ўринда бир муҳим ҳаётӣ мисол келтирай. Университетнинг тўртинчи курсида — 1964 йилда домла бизга йигирманчи аср ўзбек адабиётидан (у пайтларда “Ўзбек совет адабиёти” деб аталар эди) маърузалар ўқиди. Шу йилларда Чўлпон ижодини тарғиб қилиш ҳам, умуман, бу шоир ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас эди. Озод ака яна бир жасорат кўрсатиб, Чўлпон шеърларини жуда юксак баҳолади ва “Кишан”, “Кўнгил”, “Бас энди”, “Шафтолига”, “Гўзал” каби ажойиб шеърӣ дурдоналарни ўқиб берди. Шахсан мен “Бас энди” шеърӣдаги:

**Кўлимда сўнги тош қолди,
Ёвимга отмоқ истайман.
Кўзимда сўнги ёш қолди,
Амалга етмоқ истайман, -**

мисраларини катта ҳаяжон билан тинглаганим ва унинг содда, халқоналиги, жанговар руҳидан қаттиқ таъсирланганимни ҳалигача унутмайман.

Кейинчалик устоз ўз мақолаларида Чўлпонни эҳтиёткорлик билан тилга олгани (“Октябрь ва адабиёт”) ва шеърларини ўзи муҳаррирлик қилган “Тирик сатрлар” тўпламида чиқаришга уринганини, жиддий мажлисларда комфирқа котибига кескин савол билан мурожаат қилганини биламиз. Чўлпоннинг адабий меросини оқлаш ва халққа етказиш домланинг бир умрлик эзгу армони эди. Мен, омадим қулиб, 1975 йилдан 1993 йилнинг ноябрь ойигача “Шарқ юлдузи” журналида ишлаб, домланинг жуда кўп мақолалари чоп этилишига озми-кўпми ҳисса қўшган эдим. Ана шу йилларда Озод ака ўз мақолаларини қанчалик заҳмат чекиб ёзиши, қайта-қайта ишлаб қиёмига етказишига кўп гувоҳ бўлганман. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас. Домла “ошкоралик” йилларида туртилган имкониятлардан фойдаланиб, биринчи навбатда Чўлпон асарларини нашр этишга бош-қош бўлди. Бу иш хамирдан қил суғургандек осон кечган эмас. Дастлаб, деярли ҳамма оммавий ахборот воситаларида Чўлпоннинг “қизил” шеърлари эълон

қилинди (“Шарқ юлдузи” ҳам бундан мустасно эмас). Сабаби, йиллар оша вужудимизга сингиб кетган кўркүв, ҳадиксираш туйғуси батамом йўқолмаган эди. “Кеча ва кундуз” романи эса, жуда катта қийинчиликлар билан журналда босилди. Таҳририятнинг илтимосига кўра, Озод ака романга ёзган сўзбошини икки-уч марта қайта ишлашга мажбур бўлди. Шу кезларда у киши оғир бетоб эди. Бироқ, бу ҳақда бир оғиз шикоят қилмади. Романнинг қайта рўёбга чиқётгани — ҳақиқат тикланаётгани унга энг катта малҳам эди. Орадан сал вақт ўтмай, домла Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари таҳлил этилган “Адабиёт яшаса — миллат яшар” номли мазмундор тадқиқотини, ундан кейин эса, “Чўлпонни англаш” мақоласини журналга олиб келди. Бу икки тадқиқот Чўлпон ижодини ўрганиш, адиб асарларидаги гўзаллик сирларини англаш ва энг муҳими, машҳур ижодкор атрофида бўлиб ўтган ҳар хил баланд-паст гапларни ҳам, унга кимлар тош отгани-ю, кимлар ҳимоя қилганини ҳам билиб олишимизга кўмак беради. Агар домла фақат шу фактларни келтириш ва кимларнидир қоралаш ёки мақташ учунгина шу мақолаларни ёзганда, улар биз кўникиб қолган озлаб “ижод намуналари”дан фарқ қилмас эди. Озод аканинг асл нияти Чўлпоннинг гўзал бадиий оламини очиб бериш, унинг бетимсол сехру жозибасини, бор кўрку тароватини кўрсатишдан иборатдир. Домла, айна замонда, ноёб истеъдодлар миллатнинг фари, гурури эканини, улар ҳар қадамда туғиллавермаслигини қайта-қайта таъкидлайди. Шундай экан, уларни асраб-авайлаш, униб-ўсишига шароит яратиш лозим. Бу — давлат, умумхалқ аҳамиятига эга бўлган жиддий вазифадир. Мақолалар мазмунидан силкиб чиқадиган бу фикрлар, ўз навбатида, оламга татийдиган не-не бегуноҳ ижодкорларни йўқ қилиб юборган мудҳиш қаттол тузумга айбнома сингари жаранглайди. Домланинг қалб кўри билан ёзган бу мақолаларини ўқиб, мустақилликнинг маъноси нақадар теранлигини, бу ноёб неъматнинг қадрига етиш, уни асраш муқаддас бурчимиз эканини яна бир қарра ҳис қила бошлаймиз.

Озод домланинг китобдан жой

адибларга бағишланган саҳифалар жуда самимий ва таъсирли ёзилган. Улар ўқувчи қалбига илиқ нур олиб қиради. Домла бу ўринда ҳам фақат ўзи яхши билган адиблар ҳақида хотиралар ёзиш учунгина қўлига қалам олган эмас. Бу мақолаларнинг ҳаммаси адабиётимизнинг йирик сиймолари билан фахрланиш, хизматларини ҳалол, холис баҳолашдек катта меҳр ва масъулият туйғуси билан суғорилган. “Бугун адабиётимиз ҳақидаги, ёзувчиларимиз тўғрисидаги ёлғон тасавурларга, сохта мақтовларга, ялтироқ пардозларга барҳам бермоғимиз, ҳамма нарсани холис таҳлил чиғирғидан ўтказмоғимиз керак”, — деб таъкидлайди домла. Бундай қараганда, бундан осон нарсанинг ўзи йўқ. Бугун тарихга айланган кечаги ўтмишимизни ахлат қутисига улоқтириб юборасан — тамом-вассалом. Аммо бундай қилиш ўта ваҳшийлик, маданиятсизликдан бошқа нарса эмас. Бунга ҳеч қачон йўл қўйиб бўлмайди! Домла бу хусусда гапириб, ўз қарашлари, фикр-хулосалари, эътиқодини, эстетик мезонларини баён этар экан, қалб нидосини, дил армонларини катта ҳаяжон билан қоғозга туширади: “70 йил ичида мислсиз азоблар ва машаққатлар билан халқ барпо этган не-не улуг ишлар бор, зўр тўсиқлар — талофатлар ва ҳатто фожиаларга қарамай яратилган янги маданият, янги санъат ва адабиёт бор, энг оғир шароитларда ҳам ўзининг жуда юксак фазилатларини намоён қила олган, етук ва баркамол шахслар сифатида фаолият кўрсатган ажойиб одамларимиз бор!” Уларни унутиш, уларга лоқайдлик билан қараш мумкин эмас. Айна замонда, муаллифнинг тўғри таъкидлашича, уларни ҳар қандай танқиддан холи қилиб, қуруқ мақтов йўлидан ҳам бориб бўлмайди. Бу ўринда бitta тўғри йўл бор — фақат холис бўлиш, маънавий меросимизни, уни яратган аждодларимиз фаолиятини адолат ва инсоф билан баҳолаш лозим.

Устоз мана шу одил мулоҳазани маёқ қилиб олиб, адабиётимиз дарғаларининг мураккаб қиёфасини, бетакрор бадиий олами, бир сўз билан айтганда, уларнинг ўзига хос сурати ва сийратини моҳирона чиқиб беради. Натижада кўз ўнгимиз-

Taqriz

да Фафур Фулом ва Мақсуд Шайхзода қувноқ феъл-атвори, чуқур фалсафий фикрларга, миллий оҳангларга йўғрилган нодир шеърятини билан, Абдулла Қаҳҳор оғир табиати ва шафқатсиз ҳажвиёти билан намоён бўлади. Китобдан жой олган адабий портретлар, бади ва хотираларда адабиётимизга муносиб ҳисса қўшган адибларнинг хизматини ўрнига қўйиб, ҳалол ва холис баҳолайди. Бу туркум мақолалари билан, ўзбекона айтсак, катта савоб иш қилган. Айниқса, таниқли давлат ва жамоат арбоби, драматург ва адабиётшунос Сарвар Азимов ҳамда машҳур математик олим Саъди Сирожиодинов хотирасига бағишланган бадиалар китобхонни чуқур ўйларга толдиради. Уларнинг заминида ҳар бир одамни тиригида авайлаш, ардоқлаш, зарур пайтда ҳимоя қила олиш зарур, деган азалий ва абадий ҳақиқат — теран инсоний мазмун этади. Умуман, бу туркумдан жой олган мақолаларда кўпроқ адиб шахсияти, маънавиятини очиш, инсоний қадр-қимматни улуғлаш, миллат тақдири, адабиёт тақдири ҳақида изтироҳ билан қайғуриш каби фазилатлар устувор. “Синчалак” қиссасини қасддан камситиш учун атайлаб уюштирилган муҳокама ёки Одил Ёқубовнинг СССР депутатлари қурултойида сўзлаган партияга, ҳукуматга, тузумга қарши фош қилувчи нутқи ҳақидаги мулоҳазаларни ўқиганда буни чуқур ҳис қиламиз.

Мазкур асарлар Озод аканинг моҳир мақоланавис ёзувчи сифатидаги маҳоратини намоён этади. Улар асосан, адиблар шахсиятидаги ўзига хос фазилатларни яққол кўрсатадиган қизиқарли лавҳалар, ибратли тафсилотлар асосига қурилган. Айтайлик, Фафур Фуломнинг қатагон даврида ёзувчилар уюшмасидаги савол-жавоблари ёки радио ходимларига қилган ҳазили, Шайхзоданинг “Ғиёсод”и, Чархий домла айтиб берган “маржа” воқеаси, адабиётшунос Зикриё Мирҳожиевнинг оғзаки имтиҳон олиш “услуги” сингари лавҳалар санъаткорона баён қилинган. Озод акага хос кучли юмор туйғуси, оддий воқеаларни ҳам қулғили қилиб сўзлай олиш маҳорати бу лавҳаларга ёрқин жозоба, қувноқ руҳ бахш этган.

Домла бу китобида ҳам адабиётимизнинг ҳозирги навқирон авлоди ҳақида меҳр ва қуноқчилик билан ёзилган кўплаб мақолаларини киритган. Жумладан, Хусниддин Шарипов, Иброҳим Фафуров, Наим Каримов, Ҳожиакбар Шайхов, Дадахон Нурий, Эркин Аъзамов, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Санжар Содик, Ойдин Ҳожиёваларнинг ижоди таҳлил этилган саҳифалар ҳам нозик кузатишларга, самимий мушоҳадаларга бойлиги билан яхши таассурот қолдиради.

Озод ака илмий тадқиқотларга эҳтирос ва бадиийлик олиб кирган жасоратли танқидчи, нозик дидли адабиётшунос. Ана шу ноёб фазилатларни ўзида тўла мужассамлантирган “Ижодни англаш бахти” китоби устознинг талабчан ўқувчиларга ҳақда этган навбатдаги муносиб армуғонидир. У минглаб мухлисларга адабиётни юракдан севиш, унинг нафосатини, гўзаллигини ҳис қилиш санъатини ўргатувчи, ижодкор аҳлини авайлаш ва ардоқлашга даъват этувчи бебаҳо қўлланма сифатида узоқ яшайди.

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди**

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

ҲАСРАТ

— Шукурвой, сандан яширадиган сирим йўқ, — дўкандан сал наридаги деворни деярли бўйлаб турган дераза қошига етишарканмиз, домла чимирилганча тўхтадию, у ён-бу ёнга разм солди.

— Нима керак, домла? — дедим.

— Бир стул бўлсайди.

— Ҳозир. — Наридеда стулларида кўр тутиб ўтирганлар ҳам бор эди. Бир тўпнинг қошига бориб, мақсадни айтувдим, бир эмас, икки стулни бўшатишди. Обкелиб, дераза тагига кўйдим. — Марҳамат, домла... Узр энди, мен ҳам ҳар хил ташвишлар билан бўлиб, сиздан узоклашдим...

— Ман тушунаман, — деди домла стулга чўкиб. Кейин майингина кулимсиради. — Янги повестингни берибсан журналга. Маъкул тушибди уларга. Энди менинг оқ йўл тилашимга эҳтиёж қолмади...

— “Ғолиблар” ҳақида мақола ёзишдан мақсад ҳам шу эмасмиди?

Домла ғамгин кулимсиради.

— Кўплар шундай деб ўйлайди... Аммо ман ўзимга, илмга хиёнат қилмадим. Ҳали эшитасан докладимни. Мен қиёсий йўл тутдим. Тушуниб оласан... Энди, анаву гапингга келсак, ман романни ўқишдан, умуман, бош тортишим мумкин эди. Абдулла акага ўхшаб... Ҳа, Абдулла ака: “Вақтим йўқ ўқишга”, деган эканлар. Менинг бирдан... рози бўлганимга келсак, биринчидан, олим сифатида қизиқиб қолдим романга. Айтмоқчи, бу тўғрида гаплашган эдик-ку?

— Ҳа, оз-моз, — дедим.

— Иккинчидан, — дея давом этди домла, — Шараф ака билан яқин бўлиш ҳам манга заманчивий туюлди... Лекин ман амал олишни ўйламаган эдим. Шунчаки, ёлғизлик мени кимлар биландир яқин бўлишга чорлар эди, Шукурвой.

экан. Қайси куни биттаси айтиб қолди: “Сизга шу пайтгача ёзган мақолаларингиз учун ҳам докторлик берилса, арзир эди”, деди. Ман: “Шу баҳонада илм қилиб келдим”, деб жавоб бердим.

— Яхши, домла. Тилингиз қисик бўлмайди-да... — деб кўйдим.

— Тилим-ку қисик бўлмайди. Аммо, яна ғийбат учун ҳасадгўларга баҳона топиларди.

— Ҳасадчилар ҳам бор-а?

— О, аста айтасанми! Энг ёмони — ҳасад... Менинг ўрнимга директорликка ўнлаб талабгорлар бор экан. Улар ҳозир тинч ўтирибди дейсанми? Бугунги — ҳозирги муҳомадан ҳам айб топишиб, кулги қилади мени. Менинг эса, камситилишга тоқатим йўқ. Биласан, эркинликни яхши кўраман. Шунинг учун, санга айтсам, айрим илмий ходимларга бирмунча зулм ҳам ўтказиб кўйибман экан...

— А-а. Узр, домла, шу... шу гап-сўзларга парво қилмасликнинг иложи йўқми?

— Албатта, домла, — дедим-у, негадир Бойсунга тушаверишда Қорабўйин қишлоғидаги Шириннинг қабри-сағанаси ёдимга тушиб кетди.

ХОТИМА

Йиллар ўтди.

Вей, жуда кўп йиллар ўтиб кетди.

Бултур кеч кузада ошқозон оғриғи билан касалхонага тушдим. Бош врач шойртабиат экан, мени дарҳол текширтди. “Дарҳол операция қилиш керак”, деб ташхис қўйишди. Қизим Сайёрага (ўша машинага босиб оборган эди мени): “Пяťдесят на пятьдесят. Тилхат ёзинг”, дейишган экан. Қизим ундай жойда ўтириб, нималарнидир ёзар (ўшанда нима ёзаётганини билмасдим), мен йўлақдаги бир диванда ғужанак бўлиб ўтирар, у ёқда — реанимация бўлимида менга жой ҳозирлашмоқда эди.

Чекким келиб:

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

лаштиришга тўғри келади. Ҳайрон қолмайсиз. Хўпми?

Домла кулди.

— Лекин камчиликларимизиям кўрсатинг.

— Э, бусиз бўладими!

— Раҳмат.

Шунда бир ҳамшира аравагани филдиратиб келиб қолди.

— Холмирзаев қайсиларинг?

— Бу киши, бу киши, — дея югуриб келди қизим ва домла билан сўрашган кўйи мени аравачага ўтказди.

— Хайр, домла.

— Тезроқ тузалиб чиқинг.

— Албатта.

Шунда қизимнинг кўзида ёш кўрдим.

— Ҳа? Нима гап?

— Ҳозир опам ҳам келадилар.

— Ҳаммангни овора қилдим-да...

Кетаверсанг бўларди, ойингниям чақириб ўтирмай...

— Камроқ гапиринг.

БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

— Э, домла, ундай деманг... — Домланинг ҳорғинлиги, ҳатто қиёфасида жожеавий бир нарса борлиги мени тобора юмшатиб юбормоқда эди: йўғасам домлага қилажак таъналарим тилимнинг учидайди.

— Ҳа, чиқаверсин-чи, китобингга сўзбоши ёзарман.

— Бу — бошқа гап, домла... Лекин, кечирасиз, нега бундай кайфиятингиз йўқ?

— Ҳа. Шу тўғрисида санга гапирмоқчийдим, — хўрсиниб деди Матёқуб ака, — Гап шундаки, Шукурвой, ман институт директорлигидан ҳам кетмоқчиман...

— Нега, домла? — беихтиёр сўрадим.

— Ай, амалдорлик — манинг касбим эмас экан, — домла деразага тикилиб қолди. — Амалдор бўладиган шaxслар бор, ўзгача бўлади улар. Илм қилмасаям илм аҳлига ёрдами тегадиганлар бор... Бизга ўхшаганларда унақа қобилият бўлмас экан. Аммо ўзимизни алдар эканмиз. Гап шундаки, — дея энди шошиброқ давом этдилар, — шу мансабни манга таклиф этганларида, бирдан... қизиқиб қолган эдим. Бунинг сабаблари кўп. Улардан бири, ўзингга маълум, баъзи бир “дўстлар” олдидан қандайдир бир кўтарилишни истардим, шекилли. Шу тариқа уларнинг ҳамтовоқларидан ўч олишни истардим, билмайман. Лекин, улар мени камситган бўлиб, ҳатто факультетдан кеткизишни режалаб юганида, тасаввур этасанми, қандай ҳолатларга тушганимни... Шунда уларга бирдан тепадан қарагим келди, шекилли...

— Кечирасиз, домла...

— Хўш?

— Хўш, нега энди кетмоқчисиз директорликдан? — деб сўрадим. — Ё институтдаям рақибларингиз кўпайдими?

— О, кўпайганда қандоқ? — деди домла қандайдир хурсанд бўлиб кетгандек. Кейин бир сония жимиб қолдилар. — Гап шундаки, ҳим, мандан илтимос қилувдилар: “Тартиб-интизомга эътибор беринг”, деб. Ман институтга бориб, унибуни ўрганиб кўрсам, чиндан ҳам дисциплина чатоқ экан. Илмий ходимларнинг кўпчилиги хоҳлаган пайтида ишга келиб, хоҳлаган пайтида кетишар экан. Ходимларнинг ишга келишларини кетишларини, яъни вақт-соатларини қайд қиладиган дафтар очирдим. Илгари дафтар бўлганми-йўқми, худо билади... Шу. Орадан сал вақт ўтмасдан кулогимга ҳар хил гаплар чалина бошлади: “Кўшжонов ҳарбий тартиб ўрнатди. Эркинликни йўқ қилди” ва ҳоказолар. Бунгаям чидадим... Аммо текшириб кўрсам, кўпчилик ходимлар планда кўрсатиб кўйилган нормаларини бажаришмас экан. Шундай план борда: фалон бет ҳажмда илм қилиши керак. Нашр эттириш керак... Бу текинхўрликка чидаб бўладими? Уч-тўрттасини ишдан бўшатиб юбордим. Ана шундан кейин рақибларим янада кўпайди. Ғийбат, мишмишлар... Биласан, ҳозиргача фан доктори эмасман...

— Қизиқсиз...

— Ишонасанми, юқориди ишлайдиган ёшгина бола яқинда манга кўнғироқ қилиб, социалистик реализм масаласида доклад тайёрлашни буюрди. Буюрди.

— Сиз бўлсангиз...

— Тушунасан-ку?

— Ҳа.

— “Ўйлаб кўраман”, дедим. — Домла яна жимиб қолди. Сўнг бошини адл кўтариб: — Нимасини ўйлайман? — деди. — Ман ўз қарашларимдан қайта олмайман, Шукурвой!

— Раҳмат, домла.

— Ҳалиям анча-мунча қовун туширдим... — Ниҳоят, менга тикилиб қарадилар. — Шунақа гаплар.

— Директорликдан кетасиз?

— Бошқа илож йўқ. Ҳалиям анча-мунча вақтни бой бердим. Йигин-пигин, уриш-жанжал...

— Домла, ихтиёр ўзингизда.

— Ман яна оддий ходим бўлиб, фақат илм билан шуғуллансам, санга ёқади-я?

— Вой, домлажон... — деб кулдим.

Домла ҳам кулди.

— Биламан-да... Хўш, қачон уйга борасан? Биз томонда Олимпияда стадиони қурилар экан. Хотинкўприкнинг манзараси паймол бўлади. Кўриб қол.

— Бор, бор албатта, — деб кулди домла. — Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор: уни ўзим очдим — кашф этдим.

— Хўш-хўш?

— Раҳбарлик, чиновник бўлишлик, бир ҳисобда — қарамлик экан. Ҳа-ҳа. Юқоридан нима буюрилса, шуни қилишга мажбурсан. Бўлмасам тошингни тер... Тўғри, мани ҳимоя қилишади. Аммо буни суистеъмол қилгим йўқ.

— У киши менинг овозимдан таниганлари каби мен ҳам домланинг овозларидан танидим.

— Матёқуб ака? Салом алайкум.

— Воалайкум. Сиз бу ерда нима қилияпсиз? — дедилар.

— Сизнинг барча насихатларингизга амал қилдим-у, интизом масаласида... буздим, шекилли.

— А-а, буни кутса бўларди, — деди домла. Ўрнимдан туриб кўришай дейман, туролмайман денг.

— Лекин ман сиздан розиман, Шукурвой, — деб давом этди Матёқуб Кўшжонов — ҳозирги академик.

— Мен сиздан миннатдорман, домла, — дедим. — Айтмоқчи, мен бир туркум эсселар ёзаётиб эдим. Ўзим суйган адиблар ҳақида...

— Ҳа-ҳа, ман бир нечасини ўқидим. Маъкул, — деди домла. — Дўстингиз Ўлмас Умарбеков ҳақида, Шухрат ака ҳақида, Одил ҳақида... Эссе жанрини эгаллаб обсиз. Ман шу жанр бўйича ишламадим-да... Майли, ўзимни бир ремонт қилдириб чиқай, ўйлаб кўраман... Айтмоқчи, ўзимиз, ўзаро муносабатларимиз ҳақидаям бирон нарса ёзасизми?

— Шуни айтмоқчи эдим-да, домла. Мен ҳам бу ердан тезроқ қутилиб чиқайин, ишни бошлайман... — Сўнгра илова қилдим: — Домлажон, кўп жойларида сизни идеал-

... Алқисса, ошқозоннинг ярмисини ташлаб, тахминан тузалиб чиқдим. Кейин ойлар ўтиб, ошқозон асли ҳолига келди, дейман, овқат танламайдиган бўлдим.

Ва эссега ўтирдим.

Ўйлаб кўрсам, олти ойда битказибман эссе-қиссани. Салмоқлаб кўрсам, бир романча келади. Шунда буни қаерда бостириш ташвиши тушди бошимга.

Хайрият, дўстим Маҳмуд Саъдинов бор экан, ўша маслаҳат берди: “Буни журнал-пурналга бериб юрманг. Вақт ганимат, Шукуржон. Домлаям қизиқаяпти. Менимча, буни кўтариб, тўппа-тўғри “Маърифат” газетасига борсангиз. Бош муҳаррири Ҳалимжон деган йигит. Ўзиям олим. Домланиям жуда хурмат қилади. Ўйлайманки, газетасидан жой беради... Ҳажмини ўйламанг... Ёки менга берасизми? Бир ўқиб чиқайми?”

Мен эссе-қиссада Маҳмуднинг ўзиям борлигини айтиб: “Чиққанда ўқирсиз... — дедим. — Ҳозир ўқисангиз, кейин қизиги қолмайди. Бунинг устига, биронта фикр айтсангиз-у, менга маъкул тушса, иш бузилиб кетиши мумкин.”

Ниҳоят, “У кишим — устоз, мен — шогирд”ни кўтариб, “Маърифат” газетаси тахририятига бордим.

Ҳалимжон билан танишдик ва у мудоомни эшитиб: “Айни бизбоп экан-да, Шукур ака. Ташлаб кетинг”, деди.

Мана, эссе-қисса босилиб ҳам бўлди. Назаримда, эссе жанри имкониятларини унча-мунча суистеъмол қилганга ўхшайман. На чора Домлам эссе ҳақида менга сабоқ бермаган эди...

(Тамом.)

2003—2004 йиллар

Тошкент

Xoja Ahror Valiy tavalludining 600 yilligi oldidan

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

Олтинчи ҳикмат Хожамизнинг феъл-атворини, характерини, асл моҳиятини аниқроқ олади. «Ҳазрати Хожа Баҳроуддин неча муддатлар жаллодлик этдилар, биз ҳам оларнинг шогирдларидан турурмиз, кўрармиз, то кимга сарф этар эркан?!» деган ҳикматнинг мақсади бундай.

Ўзининг сеvimли салафи ва пири-муршиди Хожа Нақшбанд ҳаётидаги муҳим воқеани ишоратан эслатиб, Хожамиз Ахрор Валий ўз нодўстлари, душманларини огоҳлантириб айтмоқчиларки, «Биз ҳам Баҳроуддин Нақшбанд шогирдларидан биримиз, бузургвор Хожамиздек жаллодлик қилмоқ бизнинг ҳам қўлимиздан келади, бундай даҳшатли жазо кимга «сарфа этиши» (бўюрилиши)ни кўрармиз!» дея ўзларининг ноҳақ, разил, ифвогар ва худобехабар, золим нодўстларини жиддий ва қатъий огоҳлантирганлар.

Демак, ушбу ҳикматлар Ҳазрати Хожамизнинг аслан пок, тўғри, ҳақпараст ва ҳақиқатпараст, ҳалол, меҳр-шафқатли ва мурувватли бир Зот эканлигини, лекин ифвогар, фосиқ, золим, ноинсоф, бевиждон кимсаларга нисбатан ўта жиддий, қатъий, одил ва кескир қилич сингари буюк бир Зот бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Энди Ҳазрати Хожамизнинг суҳбатлашиш тарзи ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтиб ўтайлик. Жомий, Навоий, Бобур, Али Сафий, Муҳаммад Қози каби жуда кўп замондошлари Хожа Ахрор Валий ҳазратларининг суҳбат ўтказиш тарзи ҳақида ҳам ўта ибратли фикрлар айтиб ўтганлар. Ўшандай маълумотларга қараганда, Хожамизнинг суҳбатлари бағоят ширин, сермазмун, таъсирчан, ёқимли ва ибратли бўлган. Ахир, Ҳазрати Эшон суҳбатларини тинглаб, таъсирланиб, қайтадан тирилган (эхё) «мурдақалб» одамлар кўп бўлганлар, улар Хожамизга ихлос қўйиб, шогирд ва мурид бўлганлар.

Юқорида такроран келтирилган дурмонанд байтларни, рубоийларни, мақол-маталларни Хожамиз ўзларига хос зукколик, ақл-идрок билан ўз ўрнида ишлатиб, алоҳида жаранг билан ўта таъсирчан, тингловчиларга аниқ-равшан ва тушунарли қилиб, чиройли овозлари билан ибратли ўқиганлар. Сўнгги бир неча йил Ҳазрати Эшоннинг ёнида бўлган, унга шо-

гирд сифатида ёнларида юрган, «Рашоҳот» муаллифи мавлоно Фахруддин ас-Сафий берган маълумотларга кўра, Хожамиз суҳбат чоғларида сеҳрли сўзларини дона-дона, чиройли ва ёқимли овозлари ила ўта маънодор қилиб, ўзларига хос ақл-идрок билан, зукколик билан ишлатар эканлар. Суҳбатлари чоғида бирор бир марта сўлақларини ютмасдан, муборақ оғизларидан тупик сачратмасдан, алоҳида ўйлаб, санжида қилиб гапирар эканлар. Олдиларида ўтирган сомеъ, тингловчи ва эшитувчилар Хожамизнинг ибратли суҳанларига махлиё бўлиб, берилиб, ўта мириқиб, ром бўлиб ўтирар экан. Суҳбатлари сўнггида Хожамизнинг сўзлари таъсирда ҳар қандай тингловчи ҳам алардан рози бўлиб, фикрларига қўшилиб, «Келажакда яна бир суҳбатларини олсам»,

унс» ва Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларидаги Хожа Ахрор Валий тўғрисида баён этилган айрим фикрлар борасида баҳоли қудрат фикр юритмоқчимиз. Мавлоно Жомийнинг Н.Ломейий томонидан усмонли туркчага ўгирилган «Нафахотул-унс» асарида ўқиймиз: «Мавлоно Жомий ҳазратлари бу китобни ёзганлари айёмида Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари ҳаёт эдилар».

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ўқиймиз: «Ҳазрат Махдуми «Нафахотул-унс»ни битганларида (Жомий) замон машойихи ақибдинки ҳаёт қайдида эрдилар (Хожа Ахрор Валий). Ҳазрат, (яъни Жомий)Хожа Убайдуллоҳдин ўзга кишини ул табаррук китобда зикр қилмадилар». (Ҳали тирик, ҳаёт кишидан бошқасини демочки).

ХОЖА АХРОР ВАЛИЙ
ҲИКМАТЛАРИ

деган орзу билан Эшонимиз хузурларидан чиқиб кетар эканлар.

Демак, Ҳазрати Хожамиз бағоят доно, ақлли, зукко, суҳбатлари гоёта ширин, ўзига салаф бўлган буюк шоир Фаридуддин Аттор айтмоқчи, ҳар бир гуфтори дурин Адандек қимматбахо ва таъсирчан бир донишманд Зот бўлиб ўтганлар экан.

Жомий ва Навоий ҳазратлари ўзларининг бузургвор пири ва муршидлари Ҳазрати Хожа Ахрор Валий тўғрисида қимматбахо назмий, насрий ва илмий-тасаввуфий асарлар ёзиб қолдирганлар.

XV асрда, айниқса, унинг иккинчи ярмида Мовароуннахр ва Хуросонда тенги йўқ бир улуг Зотни ўзларига бузургвор пири ва муршид деб билган Абдурахмон Жомий Хожа Ахрор Валийни юксак қадрлаб «Туркистондаги Каъбам, Каъбаи мақсудим», desa, Алишер Навоий эса, ул бузургвор Зотни «Пирин офоқ» (бутун дунё пирин) деб бағоят юксак эъзозлаганлар.

Абдурахмон Жомийнинг «Нафахотул-

демак, ҳам «Нафахот»да, ҳам «Насойим»да ёзилганидек, Ҳазрат Жомий ўзларининг муборақ асарларида Хожа Убайдуллоҳ Ахрордан бошқа ҳали тирик ҳеч бир йирик машойих тўғрисида ёзмаган эканлар. Бу ҳам Хожа Ахрор Валийнинг ўшал замонда бағоят бузургворлиги ва Жомийнинг ўз «каъбаи мақсудим»га бағоят улкан ҳурмат ва эҳтиромидан дарак беради.

Ҳазрати Навоий «Насойим»да устози Жомийнинг фикрларини таржима қилиб, давом эттиради-да, Хожа Ахрор Валийни улуғлаб, у ҳақдаги фикрларини давом эттиради: «алар зикру манокбида айтилганнинг таржимаси будурким, оёт мазҳари ва қаромат валюёт мажмаи Хожалар табақасига илтиём работиси ва интизом силсилати ул шариф қавмга... Ҳазрат Хожа ва уларнинг мухлисари ва ниёзмандларидур. Умид улдуким, аларнинг шариф вужудлари барокотидан бу шариф силсиланинг илтиём ва интизом ила явмил қиём имтидод топғай».

Демак, аввал Жомий, сўнгра Навоий катта умид билан, зўр ишонч билан «Нақшбандия /умуман, Хожогон/ силсиласининг давоми то Қиёмат кунигача давом этажак дейишмоқда. Бу ҳам Жомий ва Навоийнинг ўз бузургвор пири-муршидлари бўлмиш Ҳазрати Хожа Ахрор Валийга бўлган ҳурмат-эҳтироми, унинг муборақ вужудлари шарофати билан Нақшбандия /Хожогон/ шариф силсиласи аъзоларига бўлган юксак ишончи ва эътимодидир.

Ҳазрати Навоий «Насойим»да устоз Жомийнинг Хожа Ахрор Валий ҳақида битилган сўзларини бағоят дақиқ ва бийик деб, ўзига хос ўта камтарлик ва хоксорлик билан ёзади: «Ҳазрат Махдумий ким алар васфиза бу навъ нуқта сурубдурлар, аларнинг маорифидин баъзи сўз келтирибдурлар. Чун сўз бағоят дақику бийик ва бу бебизоатнинг фаҳми ва идроки андин қосир. Аларнинг баъзи ҳолатини, бу ҳақирга мавҳум ва яқин эрди анга шруъ қилилди. Аларнинг мавлиди Тошканддур ва оталари дарвиш киши эрмиш ва она тарафидин ҳамонки, Шайхи Тахурки, ул вилоятда мутаайин шайх эрмиш...» Ҳазрати Жомийнинг «Нафахот» асарида бу борада ўқиймиз: «Хожанинг мавлиди вилояти Шошдан, шаҳри Тошканддур...» Жомий ўз асарида бузургвор Хожанинг асл насаблари борасида маълумот бериб ёзади: «Насаби шарифлари Ҳазрати Амир-ул-мўъминин Умар бин ал-Хаттоб эришур... Хожа Муҳаммад Қосим дейдиларки, Ҳазрат Хожа таҳсил тариқаси Мавлоно Яъқуби Чархий хизматига олмишлардур ва сабоқ талқини онлардан олмушлар. Кондилардан /ўзларидан/ манкулдурки, ойтдилар, йигирма ёшимда экан Тошкентга банга /манга/ таҳсили илми зоҳири орзуси галаба этуб, Самарқанд кетдим ва ул замонда Самарқандда Улугбек мадрасасида Мавлоно Низомиддин Хомуш мударрис эди ва анинг аҳволини, истиғроқи ва жазбасини эшитмиш эдим, пас мавлоноя тафтиш этдим, мадрасая кетмиш бўлдим».

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Алишер Навоий номидаги
Давлат мукофоти соҳиби,
Ориф УСМОН,
филология фанлари
доктори, профессор

(Давоми бор.)

Утмишида тасаввуф тарихига бағишлаб ёзилган барча илмий рисоалар ҳамда тазкираларда Султон Увайс Қараний Шарқ қароматгўй авлиёларининг илк намоёнаси сифатида зикр этилган. Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Жомийнинг «Нафахот ул-унс», Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат», Абдулҳақ Деҳлавийнинг «Ашъат ул-ламаот», Сомийнинг «Қомус ул-аълом» каби асарларида у ҳақда рангбаранг маълумотлар мавжуд. Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкират ул-авлиёи туркий»ида Султон Увайс Қараний ҳақида анча батафсил ва диққатга молик далиллар келтирилган.

Сарчашмалардаги аниқ қайдларга қараганда, Султон Увайс 621 йили Маккадан унчалик узоқ бўлмаган Қаран қабиласининг сарбони оиласида туғилган. Ривоятларга кўра у «худруй» — туғма руҳий иқтидор соҳиби бўлган. Шу билан бирга қабилдаги пешқадам уламолардан сабоқ олган, пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ғойибона меҳрига мушарраф бўлган. «Султон Увайс 656 йили ҳазрат Али билан ҳазрат Муовия ўртасидаги ихтилоф оқибатида келиб чиққан жангда Али тарафида туриб иштирок қилади. Бу ислом тарихидаги муулмонлар орасида энг биринчи фитна эди. Бу аянчи воқеа Шомнинг Сиффин деб аталувчи жойида юз берган». («Имом ал-Бухорий сабоқлари», 2003, №2-3, 151-бет). Увайс Қараний бир умрга жулдур кийиниб, одамларнинг туясини боқиб, ожиза онаси билан кун кечирган. Шунинг учун уни халқ «девоана», «теба» деб ҳам юртган. Увайс Қаранийнинг танасида оқ доғлар борли-

ҲАҚ ИШҚИДА ЁНГАН ЮРАК

ги, илтижосига кўра тузалгани, нафаси, назарининг қудрати, дуосининг ижобат бўлиши хусусида Шарқда кўп ривоятлар тарқалган. Манбаларда Увайс Қараний 660 йили вафот этгани қайд қилинган.

Нақл этишларича, Увайс Қаранийнинг жасадига Ҳазрати Алининг фармонида кўра Хоразмга юборилган экан. Кейинчалик Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Увайс Қараний қабри устида мақбара қурдирган. Ҳозир Қорақалмоғистон ҳудудидаги бу мақбара воҳа халқининг муқаддас зиёратгоҳидир. Наманган вилоятининг Чортоқ туманида ҳам Султон Увайс Қараний мақбараси бор. Увайс Қараний ҳақида кўплаб махсус рисоалар яратилган. Биз қуйида Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкират ул-авлиёи туркий» китобининг «Зикри Увайс Қараний» бобидан бир парчани келтирамиз.

* * *

Нақлдурким, Увайсга айтдилар: — Ёвуқда бир дарвеш киши бордурким, ўттиз йилдур бир гўр кавлаб ва кафан тайёр қилиб, ул гўр бошида ўлтурубдур. Ҳамеша йиғлайдур, на кеча қарори бор, на кундуз ороми.

Увайс айди: — Мени ул ерга бошлангизлар.

Бошлаб бордилар. Кўрдиларким чиройи сариг. Тани заиф ва наҳиф. Тўла йиғлагондин кўзлари таҳиги ўлтурубдур.

Увайс деди:

— Фалони шафак ал қабрайн Олло — ўттуз йилдир гўр, кафан сени Худодин гофил қилибдур. Бу икки иш бирла вобаста бўлуд, Худодин йироқ қолибсан ва бу гўр бирла кафан бу сенга бўлудурким, анга топунурсан.

Қачонким ул киши Увайснинг фазлидин бу офатларни ўзида кўруб, ҳақиқати ҳол анга кашф бўлди, эрса наъра урди ва гўр ичида ўзини ташлади. Жон баҳақ таслим қилди.

— Эй бандаи мўъмин, кўргил ва огоҳ бўлгилким, гўр ва кафан банда худога етмак пардаи ҳижоби

Meros

бўлур бўлса, ўзга нимарсаларда на бўлгусидур? Бандаеки дунёдин кўтарилибдур ва ўзин Худои таолога ташлабдур, гўр бирла кафаннинг анга на иши бўлгусидур? Маълум эрмаским, бу кафанга куршаниб, ушбу гўр ичида ётмоқ анча насиб бўлур, ё бўлмас.

* * *

Увайснинг ситойиши ҳисобдин зиёда ва ададдин ташқаридур. Шайх Абулқосим Журжонийнинг аввал ҳолда зикрлари бу эрдиким доим «Увайс, Увайс» дер эрдилар. Улар қадрини булардин билмак керак ва Увайснинг сўзларидурким — кишиким Худони тонуса ҳеч нимарса анга махфий қолмас.

Ҳазрати Расул алайҳиссалом

айтибдурлар: мин араф нафса фақди араф робби — ҳар киши ўзини тонуса бўлурким батаҳқиқ Худони тонигонидур. Худони Худо бирла тонуса бўлурким, Расул алайҳиссалом айтибдурлар: ҳар ким Худо бирла тонуса, ҳаммани билгусидур. Увайснинг сўзидурким: саломатлик танҳоликдур. Танҳо улдуким, ягона бўлғай. Худонинг бирлигида бирлик улдуким гайрнинг хаёли сигмағай, то саломатлик ҳосил бўлғай. Ва агар бу танҳоликни сурати танҳоликга олса, маъно дуруст бўлмаским, ашшайтон абъадмин ало шайин-шайтон иккидин кечар, яъни шайтон жамиятдан қочар, агар ул жамият икки бўлса ҳам.

Ва ҳодисда келурким алайна баҳайбак — сенга лозимдурким, кўнгилни сақлағайсан ва ҳозир бўлғайсан, то гайрнинг хаёли анда йўл топмағай.

Ва Увайснинг сўзидурким, «Тараф ал-рафқата фуҷадтаҳо фи алтавозез талаб ал-риёсатафуҷадтаҳо ал-сажта ал-халқ ва талаб ал-қаробата алайҳи фуҳаҳо фи ал-тақвий ва талаб ал-мурувват фуҷадтаҳо фи ал-сидқ ва талаб ал-фаҳр фуҷадтаҳо фи ал-гафар ва талаб ашшараф фуҷадтаҳо фи ал-зухд» — бу калималарнинг маъноси андоғ бўлғайким, баланд мартаба бўлмоқни талаб қилдим тавозеда топдим ва халойиққа сазовор бўлмоқни талаб қилдим, халққа насиҳат қилмоқда топдим. Худога ёвуқ бўлмоқни изладим, ани тақвий ва парҳизкорликда топдим, мурувватни талаб

қилдим, яъни халқ аро юздук бўлмоқни изладим ани ростликда топтим ва боқий ва пойдор фаҳр-нозиш қилурга арзигудек ишни изладим — фақирчиликда топдим. Алфақир фаҳри — андин хабар берур. Шараф, яъни улуглуқни изладим қаноат, яъни ўз ҳақиға қонез бўлмоқда топдимким, ал-қаноату каназ лояъний анга ишоратдур, яъни қаноат тугамас ганжур. Роҳатни изладим, заҳд яъни нафс хоҳишининг хилофида топдим.

* * *

Нақл қилибдурларким, Увайснинг ҳамсоёлари айдиларким, Увайсни девона-мажнун хаёл қилур эрдук. Бир йил, икки йил ўтти эрса, ифтор қилурга ҳеч нимарсаси йўқ эрди ва ер таоми ул эрдиким, гоҳ-гоҳ хурмо уруғини териб кечаларда чиқариб сотиб рўзона қилур эрди. Ва либосига кўҳна латталарни нажосатхоналардин териб, оруғлаб бир-бирига пайванд қилиб, анинг бирла кун ўткарур эрди. Ва тааж-жуб қилса бўлғайким, нафси раҳмон, яъни Худони раҳмати, яъни бу янглиг ердин зухурга келгусидур.

Намознинг аввалқи вақтида уйдин чиқар эрди ва намози хуфтандин кейин келур эрди. Ва маҳаллага кирса ёш ўғлонлар анга тош отар эрдилар.

Ва Увайс айтур эдиларким: — Оёғим соқи заиф бўлудур. Ушоқроқ тош отингизларким, оёғим жароҳат бўлуд қон чиқмағайким, намоздин қолмағайким, оёғим гамин емасман, намозим гамин егайман.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлади.

ДАВРИЙ ЖАДВАЛДАН КИМЁВИЙ ВОСИТАЛАРГАЧА

Тошкент кимё-технология институти профессори Кудрат Аҳмеровнинг «Кимё лабораториялари асбоб-анжомлари» номли китобининг иккинчи нашри 3814 нусхада босмадан чиқди. Мазкур қўлланма янги алифбода нашр қилинган бўлиб, кимё лабораторияларида ишлатилган турли хил асбоб-анжомлар — мебеллар, реактивлар учун шкафлар, хавфли ишларни бажаришда кийиладиган кўзойнак ва қалқонларнинг расм ҳамда схемалари билан иллюстрация қилинган. Мазкур китоб касб-хунаро коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган бўлса-да, ундан мактаб, лицей ва ҳарбий ўқув юртлири ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин. Салкам ярим асрлик педагогик иш тажрибасига эга устоз ўз қўлланмасида асбоб-анжомлар билан бир қатор-



да турли хил таҳлилларда қўлланиладиган микроскоп, спектроскоп, аспиратор, фильтр-пресс, поляриметр, вискозиметр, рефрактометр ва бошқаларнинг кўринишларини акс эттирган. Унинг муқова қисмида Д.И.Менделеев даврий жадвалининг берилиши айниқса, ўқувчи диққатини бир нуқтага жамлайди.

Қўлланмани қироили ва хушбичим қилиб нашрга тайёрлашда, форзацларда, рангли даврий жадвалларда туз, кислота ва асосларнинг сувда эрувчанлигини кўрсатишда «Илм — зиё» нашриёт уйи рассоми Б.Бобононов, техник муҳаррир Ф.Самадов ва муҳаррир Р.Раҳматуллаеваларнинг хизматлари таҳсинга сазовор.

Манзура МАВЛОНОВА,
Тошкент технология коллежи ўқитувчиси

Низомий номидаги ТДПУ томонидан Х.Суноновнинг «Адабиёт дарсларида савол-топшириқлар устида ишлаш» қўлланмаси босмадан чиқарилди. Ушбу қўлланмада адабиёт дарсларида савол-топшириқлар устида ишлашнинг илмий ва амалий асослари ёритилган. Қўлланма ўқитувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда дарсларнинг мақсади, савол-топшириқларнинг турлари, мазмуни ҳақида амалий машғулотлар ва тавсиялар баён этилган.

қали тарбиявий мақсадга қаратилган савол-топшириқлар. Бундай савол топшириқларда қаҳрамонларнинг феъл-атворларидаги ижобий ва салбий жиҳатларга кўпроқ эътибор берилиши ва тарбиявий мақсад ҳам кўзда тутилган.

2. Ўқувчиларни мустақил тафаккур юритишга ундовчи савол-топшириқлар.

3. Матн устида ишлаш. Бунда саволларнинг жавоби матн таҳлили орқалигина амалга ошади.

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

Қўлланманинг афзаллик томони шундаки, муаллиф бир неча мактабларда бўлиб, тадқиқот ишларини олиб борган. Ўз изланишлари натижасида савол-топшириқларни шартли равишда уч гуруҳга бўлган.

1. Адабий қаҳрамонлар характерини тадқиқ қилиш ор-


Баъзи пайтларда ўқувчилардан фақат матн юзасидан савол-топшириқларга жавоб беришини талаб қиламизки, бу тўғри эмас. Чунки ўқувчи саволларга жавоб бериш билангина чекланса, мустақил фикр юрита олмайди.

Ўқитувчи ўзининг педагогик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда савол-топшириқ-

ларни мавзунинг ўрганишига киришишдан олдин, ўрганиш давомида ёки мавзу билан танишгандан сўнг бериши мумкин. Адабий мавзунинг ўрганишига киришишдан олдин савол-топшириқлар беришда нималар талаб қилинади? Айнан шу саволга қўлланмада тўлиқ жавоб берилган.

Барно МИРКАМΟΛΟΛΑ,
Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси

ТАФАККУР ТАЛҚИНИ, ТАСАВВУР ТАРЗИ




Газета дўкони ёнидан ўтиб кета туриб дўкони кўздан кечиргим келди. Мени журнал шаклидаги бир рисола қизиқтириб қўйди. «Ойдин Саъдуллаева, Тафаккур ва тасаввур», «Бошқотирмалар» («Ижод дунёси» нашриёт уйи, Тошкент—2004 йил). Ҳали китоб билан муфассал танишиб улгурмай, «Ҳозир ҳамма ёзаяпти, буям шунчаки бир китобдир-да» деган ўй ўтди. Бирок, батафсил таниша бошлагач, тамомила фикрим ўзгарди: бу ки-

тобнинг катталар, айниқса, ёшлар учун ҳам беқиёс аҳамияти бор экан. Синчиклаб варақлаб кўриб, «Бошқотирма»нинг асл моҳиятини англадим.

Тил бойлиги, мозий тарихи ва ёш ўлкашунослар учун ажратилган боблардан ҳам бир олам тафаккур ҳамда тасаввур олддим... Гапим қуруқ бўлмасин: рисоладаги муаллиф битигига мансуб «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Қадимий миллий мусобақа», «Эл эъзозлаганларни эслаймиз» сингари мамлакатимиз ўтмиши, тарихи ва қадриятларга доир тузилган бошқотирмалар кишилар тафаккурини йўлчи юлдуздек ёритади, тасаввурини кенгликлар каби бепоён этади.

Ушбу рисола интеллектуал манба бўлиб хизмат қилади. Дунёқарашни теран, дилингизни нурафшон этади. Бир сўз билан айтганда, тафаккур талқинидаги тасаввур тарзи — бу!

Илҳом КАРОМОВ



«Насаф» нашриётида таникли фольклоршунос олим Абдуолим Эргашев ва тарихчи олим Баҳром Узоқовлар ҳаммуаллифлигида «Достонлар — одобнома дарслиги» китоби нашр этилди.

Мазкур рисола юқори синф, академик лицей ва коллеж ўқувчилари учун мўлжалланган ўқув қўлланмаси бўлиб, унда халқимизнинг буюк донишмандлигини ўзида акс эттириб келаётган халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлмиш достонлар қаърига сингдирилган комилликка етакловчи панд-насихатлар жамланган.

Давримизнинг машҳур достончиси Қодир баҳши Раҳимов репертуридан ёзиб олинган «Зайдиной» достонидан олинган одоб-ахлоққа, инсон тарбиясига доир халқона, дурдона мисралар китобдан жой олган. Мисраларда акс этган халқ ўғитлари, панд-насихатлари, насихат-дуолари алоҳида-алоҳида сабоқ тарзида шарҳланган.

Ушбу шарҳлар ўзига хос усулда, яъни «Зайдиной» достонидан 40 чилтоннинг ёш Гўрўғлига 40 сабоғи тарзида олиб борилади. Бу эса, ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишларини янада оширишга туртки бўлади. Сабоқлар сўнгида берилган савол ва топшириқлар ўқувчиларни ижодий фикрлашга миллий анъаналаримизнинг мағзини чақишга илҳомлантиради.


Китобнинг учинчи қисмида «Зайдиной» достони орқали етиб келган тўртлик, учлик ва иккилик тарзида пурмаъно ҳикматлар китобхон ўқувчиларнинг ўзига мустақил ўқиш ва таҳлил қилиш учун хавола этилган.

Икром ИСЛОМОВ,
Қарши ДУ ўқитувчиси

ШИРИН СЎЗ — ЖОН МАЛҲАМИ

2-ТошМИ ўзбек тили кафедраси мудираси, олима Нодира Дўстхўжаванинг «Тиббиёт, тил, муомала маданияти» ўқув қўлланмаси 3 та боб, 20 та фаслдан иборат. Унда Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда оғзаки, ёзма адабиёт, тил тарихи, нутқ маданияти, халқ нотиклиги шунингдек, М.Қошғарий, А.Югнакий ва Европадаги файласуфларнинг жаҳон тил, нутқ маданиятига асрлар давомида қўшган ҳиссалари баён этилиши билан бирга улардан намуналар ҳам берилган.


Ўқув қўлланмада ҳар бир тиббиёт ходимининг беморлар билан бўлган муомаласининг ўзига хослиги, айниқса, оғир беморлар руҳига таъсир қилиш йўли билан оғриқнинг осон кечиши мумкинлиги ҳақида ҳам далиллар келтирилган. 20 та фасл охирида талабалар билимини мустаҳкамловчи саволлар бе-



рилганки, бу муаллифнинг бошқа дарслик, қўлланмалар, тиббий атамалар устида узок йиллар ишлаганини билдиради. Хулоса қилиб айтганда, мазкур китоб бўлажак шифокорларга бемор билан муомала қилиш санъатини ўргатувчи зарур қўлланмадир.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,
Халқ таълими фидойиси

ЯНА АЁЛ ҲАҚИДА



Жамила Эргашеванинг «Аёл жодуси» номли китобида яна аёл ва унинг тақдир ҳақида гап боради. Муаллиф ҳар бир ҳикоясида аёлнинг бошқаларга номаълум қайсидир жиҳатини очиб беришни мақсад қилган. У Зубайда тимсолида

меҳнаткаш, сабр-қаноатли ўзбек аёлини кўрсатса, Назира опа орқали аёл кишининг мақри қанчалик кучли эканлигини ҳам яширмайди. У аёл деган номни кўтариб юрганлар орасида ор-номусли, бамаъни ва шу билан бирга пул, мол-дунё учун ҳеч нарсадан қайтмайди билан борлигини ҳам яширмайди. Унда ортиқча бўрттириш ҳам, ёлғон тўқилган воқеалар ҳам йўқ.

Бу эса, китобнинг ўқувчиларга манзур бўлишига туртки бўлса, ажабмас.

Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейи ўқувчиси Гулноза Азимованинг «Севинчларим» (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти) номли китоби босмадан чиқди. Бу китобдан Гулнозанинг шеърий машқлари, байрам тадбирлари учун ёзган саҳна лавҳалари жой олган. Унинг «Айтинг, менга не бўлди?» шеърида ўн саккиз ёш остонасида ҳаётга ҳақик ва қизиқиш билан қараб турган қизнинг ички кечимлари ифодаланса, «О муҳаббат, муҳаббат» номли саҳна лав-

«СЕВИНЧЛАРИМ»



ҳасида балоғат бекатидаги ўсмир қалбида юз бераётган жараёнлар ақл ва руҳи ўз сўхбатига акс эттирилади. Гулнозанинг ёзганларидан унинг ёш бўлса-да интилувчан эканлиги сезилади. Уйлаймизки, у ўз устида ишлаб, астойдил ҳаракат қилса, бунданда салмоқли асарлар муаллифига айланади.

З.БОБОХЎЖАЕВА

БАРОН МҲОНХАУЗЕННИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

«Шарқ» НМАК томонидан чоп этилган Э.Распе қаламига мансуб «Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари» ҳикоялар тўплами ёш китобхонлар учун ажойиб совға бўлса, ажабмас. Китобга XVIII асрда Германияда яшаган барон Мюнхаузеннинг ҳикоялари асос қилиб олинган.

Ҳаётдаги ҳамма нарса мантиққа тўғри келавермаслиги мумкин, аммо халққа сиғаверади. Тахайюл оламнинг чеки ҳам, чегараси ҳам йўқ. Шундай бўлмаганида Барон Мюнхаузен бурининг ичини сиртига ағдара олармиди? Ёки калта арқоннинг учидан қирқиб тагига улаб ойдан ерга тушиб бўлармиди?

Кийикнинг бошида мева берган олча дарахтини ҳам фақатгина хаёл ўз барига ола билади. Совуқда музлаб қолган товуш эригандан сўнг баралла янграши мумкин.

Бунақа хаёллар суришимизга «Ба-



рон Мюнхаузеннинг саргузаштлари» китоби мутолааси сабаб бўлди. Асар воқеалари ўзбек халқ оғзаки ижодидаги лоф жанрини эслатади. Ўқувчини ҳозиржавобликка ўргатади, топқирликка ундайди. Китобдаги воқеалар ўта бўрттирилган бўлса ҳам кишида ишончсизлик ҳисси уйғотмайди.

Асар ўқувчини тинимсиз фикрлашга мажбур қилади. Одатда ҳар бир инсон ёш-лигида турли хил қизиқарли саргузаштларни, фантастик ҳикояларни завқу шавқ билан ўқийди, эшитади. Уша вақтда бола фантазияси жуда кенг камровли бўлади. Дунёнинг мўъжизаларидан саналган Эйфел минорасига бир болақайнинг фантазияси андоза бўлганлиги кўпчилигимизга маълум. Zero, таракқийнинг бугунги ҳолга келишига фантазия сабаб.

Дилноза НОМОЗОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

**МИЛЛИЙ БОЙЛИКЛАР
КАМАЙИБ БОРМОҚДА**

Россия табиий бойликлари 2011 йилга бориб тугаб қолиши эҳтимолдан холи эмас, деб изоҳ берди табиий ресурслар вазири Юрий Трутнев. Россия олтин захиралари қазилмалари фақатгина 2011 йилгача етиши ҳисоб-китоб қилинган. Бундан ташқари нефть, уран, мис конларининг ишлаб чиқариш қуввати 2015 йилга қадар ишлаши мумкин. Вазирнинг айтишича, бир қарашда бунинг хавотирли жойи йўқ. Бироқ, янги захираларни ва табиий бойликларни қидиришга ҳозирдан киришмоқ, геологик изланишларни жаддалаштирмоқ мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ишлаб чиқаришда узилишга йўл қўйилмаслик керак.



Айни шу сабабдан Россия Вазирлар Маҳкамаси геологик қидирувлар дастурини қабул қилди ва 2005—2010, 2012 йилларга мўлжалланган лойиҳани тасдиқдан ўтказди. Ушбу дастур лойиҳасини амалга ошириш давлат газнасига ўртача 1 триллион 784 млрд рублга тушиши кутилмоқда. Айнан давлат бюджети ҳисобидан ҳар йили 330—400 млн рубль ажратилади. Қолган маблағ эса, хусусий инвестициялардан қопланиши кутилмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар бир шундай лойиҳага сарфланган 1 рубль келажакда инвесторларга 70—100 рубль қийматида қайтиб келади, деган тахминлар мавжуд.

**АМЕРИКАЛИКЛАР ЧЕКИШНИ
ТАШЛАМОҚДА**

АҚШнинг Юта штати фуқароларининг саккиз нафаридан бири никотин моддасига боғланиб қолган. Тадқиқотларга қараганда, АҚШ аҳолисининг 12 фоизи 2010 йилгача бу хурждан кутулиш ниятида. Бироқ Юта штати мамлакат бўйича энг кам кашандалар сони билан ажралиб туради. Чекишга қарши кураш маркази директори Корин Хастеннинг айтишича, Ютада барча кафе ва ресторанларда чекиш ман этилмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир сотилаётган бир қутути сигарета учун 69 цент акциз солиғи қўйилган.



Бошқа шатларда вазият бу қадар ижобий эмас. Чекувчилар сони йил сари аста-секин камайиб бормоқда. Аммо, улар жуда озчиликни ташкил қилади. АҚШ фуқароларининг 22 фоизи тамаки моддаларини истеъмол қилишар экан. Сигаретага ружу қўйганларнинг рекорд даражаси Кентуки штатида қайд этилиб, умумًا ҳоли сонининг 31 фоиздан ошиб кетган.

Буюк Британияда бу борада анча ижобий ишлар қилинди. Шотландияда жамоат кўп йиғиладиган жойларда чекувчиларга жарима солинапти. Жарима миқдори ҳам анчагина юқори бўлиб, 1000 фунтга етмоқда. 1000 фунт эса, АҚШ долларига ўйирганда 1850 долларни ташкил қилади.

**КУБАДА ЯНГИ ФАРМОН
КУЧГА КИРДИ**

Куба раҳбари Фидель Кастро мамлакатда муомалада юрган АҚШ долларлари айланмасини тақиқлаб қўйди. Жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Озодлик оролида ички валюта (песо) ҳамма тўловлар муомаласида қабул қилиниши шарт, дея изоҳ берилди.

Кастронинг айтишича, бундай қарор АҚШнинг Кубага бўлган иқтисодий санкцияларининг кучайишидан сўнг қабул қилинди. Бироқ, Куба фуқаролари АҚШ долларини сақлашлари мумкин. Мамлакатда ишлаб турган валюта дўконлари эндиликда фақат песога савдо қилишлари керак.

1993 йилда Куба раҳбарияти мамлакатда АҚШ долларининг муомалада юришига ижозат берган эди. Оролга ҳар йили ўртача 1 млрд доллар кириб келади.

Интернет манбалари асосида Сарвар САЙЁР ўгли ва Нозима ИКРОМОВА тайёрлади.

Ҳафта давомида ОАВ ва халқаро жамоатчилик эътибори Фаластин раҳбари Ёсир Арофат саломатлиги билан боғлиқ ҳодисаларга қаратилди. 29 октябр куни Арофат саломатлиги ёмонлашгани сабабли Париждаги ҳарбий касалхонага ётқизилган эди. Кунлар ўтиши билан унинг аҳоли оғирлашиб борди. У бир неча кун давомида реанимацияда беҳуш ётди. Оммавий аҳборот воситаларида Арофат ҳақида бир-бирига қарама-қарши бўлган хабарлар тарқатди. Вазият билан бевосита танишиш учун ҳафтанинг душанба кунинда Ёсир Арофатдан хабар олиш мақсадида Фаластин маъмурияти Бош вазири Аҳмад Қурай, Фаластин озодлик ташкилоти Бош котиби Маҳмуд Аббос, Ташқи ишлар вазири Набил Шаат ва Парламент раиси Рути Фати Парижга боргандилар. Сешанба куни Фаластин маъмурияти делега-



лик учун курашган етакчиси билан видолашмоқда. Лекин, шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Фаластин раҳбари Ёсир Арофат мураккаб сиёсий мерос қолдирди.

У ўз ҳаётини

ЁСИР АРОФАТ ОЛАМДАН ЎТДИ

циясига реанимация хонасига кириб, Ёсир Арофатнинг ҳолидан хабар олишга рухсат берилди.

Ёсир Арофатни кўриб чиққанидан кейин Фаластин озодлик ташкилоти Бош котиби Маҳмуд Аббос Фаластин раҳбарининг аҳоли "ўта жиддий" эканини маълум қилганди. Париждаги меҳмонхоналарнинг бирида бўлиб ўтган матбуот конференциясида Фаластин Ташқи ишлар вазири Набил Шаат ўшанда Арофат оламдан ўтганини, унинг юраги, ўпкаси ва бошқа аъзолари ишлаётганини, аммо унинг миёсига қон қуйилганини маълум қилганди. Фаластин расмийси Арофат саратон касаллигига чалинмаганини айтганди.

—Фаластин мухторияти раҳбари, Фаластин озодлик ҳаракатининг машҳур етакчиси Ёсир Арофат 75 ёшида Франция пойтахти яқинидаги ҳарбий касалхонада оламдан ўтди.

Арофат Рамаллоҳда дафн этилади. Фаластин халқи мустақиллик ва озод-

мустақил Фаластин давлатини барпо этишга бағишлади.

Ёсир Арофатнинг асл исми Мухаммад Абдул-Рауф Арофат Асқудва ал-Хусайний бўлиб, у 1929 йилда туғилган. Кўплар Арофатни Мисрда туғилган деса, айримлар Қуддус ёки Ғазо минтақасини тилга олади. Болалигида нок Арофат Ёсир исми билан танилган. Фаластинликлар эса, уни Абу Умар деб аташади.

У 17 ёшга кирмай туриб, Кохирадан Фаластинга ғайриқонуний равишда қурол-аслаҳа олиб ўта бошлагани ҳақида маълумотлар бор. Ўша даврда фаластинликлар Британия ва яҳудийларга қарши курашаётган эди. 50-йилларда, яъни талабалик даврида ҳам Ёсир Арофат шу фаолиятни давом эттирди. У инженер дипломини қўлга олганидан сўнг ҳам Мисрдан Исроилга қурол олиб ўтиш билан шуғулланганди.

1958 йилда Арофат бир гуруҳ сафдошлари билан "Фатҳ" гуруҳига асос солади. 60-йиллар ўрталарида эса, Фаластин Озодлик ташкилотини туза-

ди. Ҳар иккала тузилма Исроилга ҳужумлар уюштириш билан шуғулланган. Кўп ўтмай "Фатҳ" Фаластиндаги энг қудратли ташкилотга айланади. Айни вақтда Фаластин озодлик ташкилотининг нуфузи шу қадар ортади-ки, Исроил ҳукумати уни Фаластин халқининг расмий ва рамзий вакили сифатида эътироф этади. Арофат эса, ташкилотнинг ижроия кўмитаси раҳбари этиб тайинланади.

Исроил ва уни қўллаб-қувватлаган АҚШ қаторида халқаро ҳамжамиятнинг айрим бошқа аъзолари ҳам Арофатни террорчи деб айблайди. Шундай бўлишига қарамастан 1988 йилда у БМТда чиқиш қилиб, террорчиликни

расман қоралагани ва ўз позициясини айтганди.

90-йилларга келиб Исроил ва Фаластин муносабатлари анча яхшилانган эди. 1994 йилга келиб эса, Арофат Исроил раҳбари Ицхак Рабин ва ташқи ишлар вазири Шимон Перес билан биргаликда Тинчлик борасида Нобель мукофоти билан тақдирланганди.

1996 йилда Арофат Фаластин мухторияти президенти этиб сайланади. Кейинги йилларга келиб Исроил-Фаластин муносабатлари яна кескинлашди ва натижада 2002 йилда АҚШ Президенти Жорж Буш фаластинликлар янги раҳбарни сайлаши керак, деб таъкидлаганди.

Исроил ҳукумати буйруғи билан, Исроил танклари Арофатнинг Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Рамаллоҳ шаҳрида жойлашган қароргоҳини қуршовга олди ва ўша вақтдан то Париж касалхонасига ётқизилгунича Фаластин президенти уй қамоғида сақланган эди.

Интернет материаллари асосида Шерзод АХМАТОВ тайёрлади.

ЎЗБЕК ҲУҚУҚШУНОСЛАРИ ЯПОНИЯДА

Сўнгги уч-тўрт йил давомида ўзбекистонлик ва япониялик қонун ҳимоячилари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, биргаликда турли-туман анжуманлар ўтказиш яхши аънамага айланиб бораёпти.

Японияда республикаимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган бир гуруҳ ҳуқуқшунослар иқтисодиётга оид қонунчилик масалалари мавзусидаги давра суҳбатларида иштирок этишмоқда.

— Ҳар бир мамлакатда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожлантириш, жамият ҳаётининг барқарор ҳамда осойишта бўлишини таъминлаш учун тўлиқ шаклланган ҳуқуқий тизим мавжуд бўлиши керак, — дейди Фуқаролик, савдо ва юридик масалалар бўйича халқаро марказ вице-президенти, Япониянинг собиқ бош прокурори жаноб Х.Окамура. — Шу боис навбат-

даги семинарни банкротлик тўғрисидаги қонунчиликни мукамаллаштириш масалаларига бағишладик. Бозор иқтисодиётига дадил кириб бораётган Ўзбекистон учун ушбу мавзу ниҳоятда муҳимдир.

Жаноб Х.Окамура қарийб бир ой давом этадиган мазкур анжуман мамлакатларимиз ҳуқуқшунослари ўртасида мавжуд ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга ҳисса қўшишига умид билдирди.

Бундай ўқув ва малака ошириш курслари бозор иқтисодиётига ўтаётган хорижий мамлакатлар учун Фуқаролик, савдо ва юридик масалалар бўйича халқаро марказ, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Япония адлия вазирлиги томонидан мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

Беруний АЛИМОВ,
"Жаҳон" АА,
Токио.

БОЛАЛАР КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Москвадаги Россия Давлат болалар кутубхонасида Ўзбекистонда нашр этилган болалар китоблари кўргазмаси очилди. У «Ўзбекистон маданият ва санъат форуми» жамғармаси, Россия Давлат болалар кутубхонаси, Россия болалар китоби клуби, Ўзбекистон Давлат болалар кутубхонаси томонидан ташкил этилди.

Экспозицияда намоён этилаётган 250 га яқин китоб орасида республика мактаблари учун дарсликлар, эртақлар, саргузаштлар, болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган фантастик адабиётлар бор. Шунингдек, кўргазмага ташриф буюрганлар ўзбек мактаб ўқувчилари томонидан чизилган расмларни ҳам томоша қилишлари мумкин.

Кўргазманинг очилиш маросимида «Томоша» болалар мусиқий гуруҳи ўз санъатини намоён этди.

Россия Давлат болалар кутубхонаси директори Л.Жаркова сўнгги вақтларда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бораётганини қайд этди. Болаларнинг бир-бирлари билан янада яқинроқ танишуви эса, икки мамлакат ўртасидаги ишончли муносабатларни янги поғонага кўтаришда муҳим асос бўлади.

Кўргазмадан сўнг бу ерда намоён этилаётган барча китоблар Россия Давлат болалар кутубхонасига инъом этилади.

Таъкидлаш жоизки, шу йилнинг баҳорида ўзбекистонлик ёш китобхонлар ҳам Тошкентда Россия нашриётларининг маҳсулотлари билан танишган эдилар.

Музаффар ЗОХИДОВ,
«Жаҳон» АА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида спорт соҳаси бўйича мутахассислар учун ўқув курси ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутахассислари, вилоят «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти кенгаши мутахас-

**СПОРТ
МУТАХАССИСЛАРИ
ЎЗ БИЛИМИНИ
ОШИРДИ**

сислари, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари директорларидан иборат мутахассислар «КАСКАД» усулида ўқув-амалий курсини ўтказдилар. Улар олган билим ва малака ёрдамида жойларда ҳам худди шундай йиғилиш ва ўқув-амалий курсларини ташкил этиш назарда тутилган.

Курс қатнашчилари С.Раҳимов туманида жойлашган «Истиклол» болалар спорт мажмуаси билан танишишди. Шундан сўнг «Умид» болалар спорт мажмуасида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти футбол кафедраси ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мутахассислари томонидан жисмоний тарбия мутахассислари билан биргаликда очик амалий дарс уюштирилди.

Шерзод АХМАТОВ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси жамоаси Тошкент давлат техника университетини ректори, профессор, Марказий кўмита раёсати аъзоси Қаҳрамон Аллаевга акаси
Жуманазар РАХИМОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ёш шоира Адиба Умированинг шеърлари — ҳисга сафар. Ҳис билан учрашув. Ҳис кўриниши. Ҳис шакли. Ҳис силсила-си.

Қадим Шарқнинг улуғларидан бири Фаридиддин Аттор шундай ёзган эканлар: «... Ҳамма нарсанинг жавҳари, асоси Маҳбуб-ёри азалийдир.» Демак, муҳаббатдир.

Моҳият — Ҳис
Муҳаббат — Ҳис
Моҳият + Муҳаббат = Ҳис.

Адиба Умированинг битикларида Ҳис шунчаки ифода йўсинигина эмас, балки муҳаббатнинг муқаддаслиги тарзида кўриниш беради. Моҳият тарзида кўриниш беради.

Бунчалар баланд ишк, кўзим ёшланар,
Оловдай ёнаман, туннинг бағрида.

Ҳис орқали кангулни англашга бошлайди. Кангул Ҳис шаклига кўчади. Шоира кангул билан ёлғиз. Унинг содиқ дарддо-

ши бор. Бу — ёлғизлик, кангулдан жой сўраган, кангулга чўккан ёлғизлик.

Кангул — ёлғизлик макони.

Ёлғизлик — кангулнинг дарахти.

Ёш шоиранинг шеърларида кангулнинг қабат-қабатларига нигоҳ ташланади. Адиба Умирова кангул ҳолатларини муайянлаштиришга, Ҳисни руҳий сезимлар майдонига кўчиришга интилади.

Умрим бир эртатка ўхшайди гўё,

Дарахтлар жимгина қалбимни ўқир, —

сатрларида кўриниш бергани янглиғ восита, ҳолат, ҳаракат, майдон Ҳисда бирлашади. Ҳиснинг замирида яширинган кечинмалар, маънолар, Ҳиснинг дучлашуви зайилида шоён бўлади. Адиба Умирова шеърларининг хослиги шунда. Бу хослик янаям ўсаверсин.

Икром ОТАМУРОД

«ДАРАХТЛАР ЖИМГИНА ҚАЛБИМНИ ЎҚИР»

Сиз севишни билмайсиз, бегим,
Узлатларнинг озорини ҳам.
Юрагимда муҳаббат етим,
Нафратида аламлари жам.

Сиз севишни билмайсиз, бегим,
Соғинчларнинг жаллодлигини.
Ёлғизликлар руҳимга ҳоким,
Қаро кунлар бедодлигини.

Сиз севишни билмайсиз, бегим,
Ҳислар дилга солмагай тугён.
Ҳижронларда умид боғлаб жим,
Боқмагайсиз йўлларга гирён.
Сиз севишни билар эдингиз,
Аросатда танҳо қолсангиз.
О, севгилим мени бир нафас,
Юрагимга қулоқ солсангиз.

Сиз севишни билмайсиз, бегим!..

Мен ва сиз соғинган ёмғирли кеча,
Ёлғизлик бағримни тиглайверади.
Куз тўла хиббон, қадрдон кўча,
Сиз томон ҳар лаҳза чорлайверади.

Булутлар ҳам ғамдан кўзин ёшлайди,
Бағримга босаман армонингизни.

Ko'ngil bitiklari

Осмон кучоғимда эрий бошлайди,
Майсадай ўпаман товонингизни.

Сочимдай сим-сиёҳ бу йўлларингиз,
Дилимни бир кучоқ гуллар кўмади.
Менга ҳаёт берган бу қўлларингиз,
Энди соғинч деган ўлим беради.

Сизни деб, энг буюк ғамга тўламан,
Сизни деб, бир умр оқарар сочим.
Ахир, ёмғирзорда хароб бўламан,
Бир келиб кетсангиз бўлмасми, жоним?!

Сукунат оҳларим ичига ютган,
Сарғайиб кетаман сўнгги йўлақда,
Сизнинг чап кўксингиз қорайиб кетган,
Мен эса, ёнаман сариқ кўйлақда.

Беҳишт боғларининг тушига кирган,
Бокира кунларга қоришиб кетган,
Мен бир юлдуз эдим, энг олис юлдуз,
Покиза осмоннинг бағрига кўнган.

Тоғлар ҳам пойимга чўқар эди тиз,
Нафис гуллар билан сирлашар эдим.
Ойнинг нафасини куйдириб ёлғиз,
Фақат баҳор билан бирлашар эдим.

Қачон нигоҳимга кўз тикдинг дарё,
Қип-қизил олмадай оқизиб кетдинг.
Ўн беш кун сен билан яшадим само,
Ўн беш кун оҳларим Оллоҳга етди.

Бир хасдай урилиб кетдим қирғоққа,
Кўксимда бир кучоқ қақраб ётган чўл.
Учаман, самолар сендан йироққа,
Юраман, тўрт томон сенга қарши йўл.

Ғамлар илон каби келади ўраб,
Ҳовлингга куз бўлиб йиғлапман-ку.
Осмонин соғинган куш каби титраб,
Дунё, кучоғингга сиймаяпман-ку?

Ёмғирдай ё селдай келмайсанми,
Сен бир дарё эдинг нурдан таралган.
Мени бошдан-оёқ севмайсанми,
Мен дилдан яралган, нурдан яралган.

Бир куни мен сенга айланиб, Само,
Бир куни ўзимга қайтаман, Ҳаво.
Кўксимга илинж бер, яратмоқлик бер,
Мен сенинг бир ожиз банданман, Худо!
Адиба УМИРОВА

«С» ХАРФИ ЧАЙНВОРД

Ушбу чайнворд С ҳарфи билан бошланиб, С ҳарфи билан тугалланадиган атамалардан иборат.

1. Бразилиядаги шаҳар. 2. Француз бастакори. 3. Қадимий юнон ҳайкалтароши ва меъмор. 4. Электр генераторини кашф этган немис олими. 5. Товуқ зоти. 6. Тунисдаги порт шаҳар. 7. Грамматика соҳаси. 8. Ўрта Осиё хонлари давридаги отбоқар, отлар парварishiни назорат қилувчи шахс. 9. Хизмат кўрсатиш. 10. Халқаро мукофот лауреати, Мексика расоми. 11. Қадимги Мисрда яратилган афсонавий ҳайкал. 12. Инглиз физиги. 13. Бир галги ҳаракат. 14. Тригонометрик функция. 15. Фин композитори. 16. Туркиядаги шаҳар. 17. Юқумли тери касаллиги. 18. Фламанд расоми, натюрморт устаси. 19. Чорва озуқаси. 20. Осмон сферасидаги энг ёруғ юлдуз. 21. Тунисдаги шаҳар. 22. Косинусга тесқари функция. 23. Канаданинг шарқий қисмидаги шаҳар. 24. «Дон Кихот» асари муаллифи. 25. Астрономик давр. 26. Бўйи 17-27 м, эни 1,5-1,8 м бўладиган ноёб дарахт. 27. Боливиядаги шаҳар. 28. Фуқаро ёки юридик шахснинг ҳуқуқий ҳолати. 29. Тоғ. 30. Ладога кўлига қуйиладиган дарё.

Тузувчи: Турсунали ҒАНИЕВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ!

XI аср бошида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асносида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган янги имлодаги сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ГЛОБУС ТАГЛИГИДАН

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
2. Дунё аҳолиси;
3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология;
4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар ўрни олган.

Манзил: Тошкент вилояти Қибраи тумани, Геофизика кўргони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнгги бекати
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15
Хусусий тадбиркор «Исроилов Дилмурод Зокирович»

Ma'rifat

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кумитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
№ 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-128.
Тиражи 19595. 1 2 3 4 5
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Набатчи муҳаррир:
Нурлан УСМОНОВ.
Набатчи:
Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайд.

М белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Xullas...

ЕРОСТИ ШИФОХОНАСИ

Белоруссиянинг Солигор шахтасида ерости шифохонаси фойдаланишга топширилди. Шаҳар марказий шифохонасининг шахобчаси сифатида иш бошлаган бу даволаш муассасаси 420 метр чуқурликда қурилган бўлиб, 60 ўринга мўлжалланган.

Маълумки, шахтада ишловчиларнинг аксариятининг нафас олиш органлари касалланади. Шифохонага бориб даволанишга улар кўпда ҳафсала қилаверишмайди. Ерости шифохонаси эса, бир қадам ва имтиёзи бор, яъни текин. Даволаш курси 8 соатдан 21 соатгача мўлжалланган. Ухлаб дам олиш шароитидан ҳам миқозлар хурсанд. Иқлим жойида, тоза ҳаво тегишли воситалар орқали беморларга етказиб турилибди.

Ҳарқалай ерости шифохонаси шахтёрларни дарддан тўлиқ халос қилмаса-да, уларнинг умрига умр кўшишига шубҳа йўқ.

ЯХШИЛИККА ЁМОНЛИК

Яхшиликка яхшилик қайтмаслиги мумкин, лекин бунга нисбатан ёмонликнинг рўпара қилинишига чидаш қийин. Айниқса, у инсонга нисбатан ҳайвонлар томонидан амалга оширилса...

Бундан икки йил муқаддам овчилар Апшерон ўрмонида жажжигина айқчани төпиб олишган эди. Улар жониворни бир йигитга совға қилишди. Айқ одам меҳри билан борган сари ўсиб, улканлашиб борар, энди уни очикда сақлаш хавф туғдирар эди. Қийишқоёқ кафасга солинди. Аммо эгаси уни вақти-вақти билан ташқарига чиқариб турар, ўйнатар ва қилиқларини кўриб, завқлардан эди. Шундай сайрлардан бирида айққолворн эгасига ташланиб, унинг қўлидан тишлаб олди. Энди жониворнинг «хулқ-атвори» аввалгидек оғир-босиқ эмас, балки шафқатсиз кўриниш ола бошлаганди. Жабрланган йигитнинг шифохонада узоқ вақт даволанишига тўғри келди. Айқни совға қилган овчилар яхшиликка ёмонлик қайтарганлиги учун уни отиб ташлашга мажбур бўлдилар. Қайдам, уларнинг қарори тўғримики?

ana shunaqa gaplar

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
сахифалади.

«Шарк» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.